БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

42-йил чиқиши № 54 (11.500). | 4 март, жума, 1960 йил. | Баҳоси 20 тийин.

Н. С. ХРУШЧЕВ МАКТУБИ

Индонезияга бориш ва ундан қайтишда Ҳиндистонда бўлганлигим муносабати билан Деҳлидаги совет элчихонаси, шунингдек СССР нинг Калькутта ва Бомбайдаги бош консулхоналари ҳинд гражданларидан ва жамоат ташкилотларидан жуда кўп табрик хатлари ва телеграммалар олди. Бу хат ва телеграммаларда ҳинд гражданларининг Совет Иттифоқига, унинг ҳукумати ва халқига самимий дўстлик туйғулари изҳор қилинади, халқларимиз ҳамда мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий, маданий ва илмий техника ҳамкорлиги янада мустаҳкамлансин ва кенгайсин, деб қизғин дўстона истак билдирилади.

Бу хатларда мамлакатимизнинг тинчликсеварлик ташқи сиёсати, Совет ҳукуматининг халқаро кескинликни юмшатиш соҳасидаги тадбирлари, батамом ва ёппасига қуролсизланиш ҳақидаги таклифларимиз, шунингдек СССР Олий Советининг мамлакатимиз қуролли кучларини яна учдан бир қисмга, яъни 1200 минг кишига қисқартириш ҳақида яқинда қабул қилган қарори яхши тушунилганлиги ва маъқулланганлигини айниқса зўр хурсандчилик билан қайд қиламан.

Мен яхши истакларини изҳор қилиб менга хат юборган ҳиндистонлик барча дўстларимизга ва ташкилотларга шахсан жавоб бериш имкониятига эга бўлмаганлигим сабабли, бу мактубда мамлакатимизга, Совет Иттифоқи ҳукуматига ва шахсан менга қизғин, самимий туйғуларини изҳор қилганликлари учун уларнинг ҳаммасига чин кўнглимдан ташаккур билдиришни истайман. Мен ҳам ҳинд халқининг бахтли ва саодатли бўлишини астойдил истайман.

1960 йил 1 март. Н. ХРУШЧЕВ.

ҚАРДОШЛАР МУСОБАҚАСИ

Буюк Ленин тузган социалистик давлатимизнинг куч-қудрат манбаларидан бири совет халқининг дўстлигида, Ватанимиздаги барча халқларнинг иноқлигида, олижаноб мақсад сари биргалашиб курашишидадир. Шу улуғ дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик туфайли камол топдик, юксалдик.

Гениал доҳийнинг ҳамиша нур сочиб турган ғояси масофада, тилда бир-биридан узоқ бўлган миллатларни, халқларни қалбан яқинлаштирди, уларни дўст тутинишга ўргатди.

Ўзаро ёрдамлашиш, бир-бирига билганини ўргатиб, билмаганини ўрганиш социалистик миллатлар ҳамкорлигининг амалдаги энг ёрқин ифодаларидан биридир. Пахтакор республикалар ўртасидаги кўп йиллик социалистик мусобақа нақадар катта самаралар бераётгани ҳаммага аён. Тошкент — Боку, Бекобод — Темир-Тов саноат ходимларининг мусобақаси ҳам куртак ёзиб яшнамоқда.

Тошкент ва Иваново маъмурий-иқтисодий районлари мусобақаси айниқса амалий, дўстона тус олаётир.

Яқинда тошкентликлар Ивановога бориб, жаҳонга донги кетган тўқимачилик корхоналари, машинасозлик заводлари ва ижодкор меҳнаткашларнинг иши, ҳаёти билан танишдилар, уларнинг қимматли тажрибаларини ўргандилар, ўз ютуқларидан ҳикоя қилдилар.

Кеча ивановолик саноатчилар делегацияси Тошкентга келди.

Россия федерациясининг бу йирик иқтисодий райони меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчевга ёзган мактубларида **1965 йилга белгиланган ишлаб чиқариш даражасига 1963 йилдаёқ эришиш ва қўшимча 8 миллиард сўмлик саноат маҳсулоти етказиб беришга сўз берганлар. Тўқувчилар етти йиллик охиригача қўшимча 600.000.000 метр газмол тўқийдилар.**

Икки иқтисодий район меҳнаткашлари ўртасидаги социалистик мусобақа жуда катта аҳамиятга моликдир. Иваново — мамлакатимиз тўқимачилик саноатининг маркази бўлса, Тошкент, бутун Ўзбекистон пахта етиштиришда, тўқимачилик саноати учун ҳар хил машиналар ишлаб чиқаришда етакчи ўринда боряпти. Биз қанча кўп пахта етказиб берсак, ивановолик дўстлар шунча кўп газмол тўқишади, қанча кўп йигирув ва пилталаш машиналари етказиб берсак, улар шунча арзон маҳсулот ишлаб чиқарадилар.

Мусобақа бошланганига ҳеч вақт бўлгани йўқ, аммо ҳозирданоқ унинг яхши самаралар бераётганлиги кўриниб қолди. Ҳар иккала халқ хўжалиги кенгаши 1960 йилнинг январь, февраль ойи топшириқларини муваффақиятли якунлади ва қўшимча равишда неча юз миллион сўмлик пахта толаси, нафис газмол, қишлоқ хўжалиги ҳамда тўқимачилик машиналари ишлаб чиқарди. **Ҳозир ивановоликлар бир кеча-кундузда пландан ташқари 120—130 минг метр газмол тўқиб чиқараётирлар.**

Бу мусобақа совет элида улуғ етти йилликни муддатидан илгари бажариш учун бошланган миллионлар мусобақасининг янги бир жўшқин ирмоғига айланди.

Бугун газетамизнинг Тошкент-Иваново мусобақасига бағишланган саҳифасида ивановолик ип йигирувчи Галина Лебедованинг ўзбекистонлик дугоналарига мактуби босилган. У, ўзбек дугоналарини ижодий ҳамкорлик, мусобақага чақиради.

Иваново тўқимачилари машина ва ускуналарни модернизация қилишда, янги техника ва илғор технологияни жорий этишда жуда катта тажриба орттирганлар. Тошкентликлар улардан кўп янгиликларни ўргансалар арзийди.

Савинскдаги «Солидарность» фабрикасининг донгдор тўқувчиси Юлия Михайловна Вечерованинг ташаббуси ўзбек тўқимачилари учун ғоят ибратлидир. Бу меҳнатсевар аёл дастгоҳларнинг унумдорлигини ошириб, 1965 йил учун белгиланган ишлаб чиқариш даражасига етиб олди.

Ивановода бундай ажойиб новаторлар кўп.

Ўзбекистоннинг пойтахт области саноатчилари Иваново меҳнаткашларини мусобақага чақирар эканлар, ўз зиммаларига жуда катта, масъулиятли мажбурият олганлар. Тошкент халқ хўжалиги кенгашига қарашли ҳар бир корхона коллективи, ҳар бир ишчи, хизматчи, инженер-техник ходим берилган ваъданинг устидан чиқишга муносиб ҳисса қўшиши зарур. Бунинг учун аввало техникани тараққий эттириш, меҳнат унумдорлигини ошириб, маҳсулот таннархини камайтириш керак.

Бироқ, бизда социалистик мусобақага ҳали ҳам расмиятчилик билан қараётган, қоғозда мусобақа бошлаб, амалда таъсирли иш қилмаётган халқ хўжалиги кенгашлари, шаҳарлар, саноат корхоналари ҳам йўқ эмас. Бундан бир неча йил илгари Самарқанд ва Бухоро халқ хўжалиги кенгашлари ўртасида мусобақа бошланган эди. Аммо бу икки қўшни маъмурий-иқтисодий район саноатчиларининг яқиндан ҳамкорлик қилиш имкониятлари чексиз бўлса-да, бу имкониятлардан фойдаланилмаётир.

Тошкентдаги кабель заводи билан «Укркабель» заводи коллективи ўртасидаги мусобақа зўр тантана билан бошланди-ю, кейин сусайиб қолди. «Тошкенткабель» заводи маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари мусобақага ишнинг кўзини билиб етакчилик қилолмадилар.

Социалистик мусобақа ижодкорларни, ташаббускорларни, кенг меҳнаткашлар оммасини янгиликка, илғорликка чорловчи энг яхши мактабдир. Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари омманинг бу ҳаракатига жонкуярлик билан етакчилик қилишлари керак. Чунки етти йиллик улуғвор программаларининг муваффақиятли ҳал этилиши ҳар биримизнинг ижодий ғайратимиз, ташаббускорлигимизга боғлиқ.

Қардошлар мусобақаси янада мавж урсин!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика Олий Советининг «Ўзбекистон ССРда аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш тўғрисида»ги қарори Тошкент областида қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги масалани муҳокама қилди.

Қабул қилинган қарорда кўрсатилишича, аҳолига маданий-маиший хизматни яхшилаш учун бирмунча иш қилинган, аммо уй-жой қурилиши, ободончилик ва аҳоли яшайдиган пунктларни кўкаламзорлаштириш ишларини уюштиришда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Меҳнаткашларга медицина ва маданий хизмат кўрсатишда ҳам кўпгина нуқсонлар бор. Аҳоли яшайдиган йирик пунктларнинг баъзилари алоқа воситалари билан етарли таъминланмаган. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш лозим бўлган корхоналар яхши ишламаётир. Уй-рўзгор буюмлари ва маданий буюмларни прокатга бериш, болалар кийимларини тикиш, квартираларни ва жиҳозларни ремонт қилиш каби ишлар ҳамма жойда ҳам уюштирилган деб бўлмайди. Матлубот кооперацияси чойхоналар, ошхоналар, музхоналар ва сабзавот омборлари қуриш планларини бажармаётир. Қишлоқларда энг зарур товарлар билан савдо қилишда нуқсонлар бор.

Қарорда таъкидлаб ўтилишича, Тошкент область ижроия комитети, шаҳар, район ва қишлоқ Советлари ижроия комитетлари меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган масалаларга жиддий эътибор бермаётирлар.

Мажлисда меҳнаткашларнинг жамоат тартиби ва социалистик жамият қоидаларини бузувчиларга қарши курашдаги иштироки тўғрисида Бухоро шаҳар ижроия комитетининг ҳисоботи тингланди. Шаҳар ижроия комитети бу иш билан жуда қониқарсиз шуғулланаётганлиги таъкидланди. Бу соҳадаги ишлар қониқарсиз уюштирилганлиги натижасида Бухородаги баъзи корхоналарда жамоат тартибини муҳофаза қилиш дружиналари тузилган эмас, ўртоқлик судларининг роли пасайиб кетган.

Бухоро шаҳар ижроия комитетига ана шу соҳадаги ишларини яхшилаш учун бир қанча тадбирларни амалга ошириш таклиф этилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми бошқа бир қанча масалаларни ҳам қараб чиқди. (ЎзТАГ).

СОВЕТ-АФҒОНИСТОН ДЎСТЛИГИ УЧУН!

Н. С. ХРУШЧЕВ Афғонистонда

КОБИЛ, 2 март **(ТАСС махсус мухбири).** Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир Шоҳ ҳазрат олийлари ва Афғонистон ҳукуматининг таклифига мувофиқ, бугун СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев, шунингдек унинг ҳамроҳлари А. А. Громико, Н. А. Михайлов, Г. А. Жуков, С. А. Скачков, Т. Ў. Ўлжабоев, А. М. Марков ва бошқа расмий кишилар Кобилга келдилар.

Баграм аэродромида Н. С. Хрушчевни ва унинг ҳамроҳларини Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир Шоҳ, маршал Сардор Шоҳ Вали, Бош Министр Сардор Муҳаммад Довуд, Бош министрнинг биринчи ўринбосари Али Муҳаммад, Ташқи ишлар министри ва Бош министрнинг иккинчи ўринбосари Сардор Муҳаммад Наим, Халқ кенгашининг раиси Муҳаммад Навруз, Н. С. Хрушчевни кутиб олишни ташкил этувчи комиссиянинг раиси Савдо министри Ғулом Муҳаммад Шерзод, Бош штаб бошлиғи генерал-лейтенант Саид Ҳасан, Афғонистон министрлар кабинетининг аъзолари, ҳукуматнинг юқори мартабали амалдорлари ва Афғонистон жамоатчилигининг расмий вакиллари, СССР нинг Афғонистондаги элчиси М. В. Дегтярь ва совет элчихонасининг ходимлари, Афғонистондаги совет муассасаларининг раҳбарлари, совет ходимларининг оила аъзолари, шунингдек Афғонистондаги чет эл дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари кутиб олдилар.

Аэродром Совет Иттифоқи ва Афғонистоннинг давлат байроқлари билан безатилган эди. Афғонистон ҳарбий ҳаво кучлари реактив қирувчи самолётларининг фахрий эскорти Н. С. Хрушчев келган кумуш рангдаги совет лайнери ИЛ-18 ни кузатиб келди.

Ҳурматли совет меҳмонининг келиши шарафига тўплардан бирйўла 21 марта ўқ узиб, миллатлар салюти берилди ва Совет Иттифоқи ҳамда Афғонистоннинг давлат гимнлари ижро этилди.

Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир Шоҳ Н. С. Хрушчевни табриклаб нутқ сўзлади.

Подшо Муҳаммад ЗОҲИР ШОҲ нутқи

Бош министр жаноб олийлари!

Сизнинг мамлакатимизга келишингиз Сизни азиз меҳмонимиз сифатида ўз номимдан ва Афғонистон ҳукумати ҳамда халқи номидан табриклашим учун имконият беради.

Сизнинг бу сафарингиз менга Сиз билан яна учрашиш имкониятини туғдирганлигидан хурсандман. Сизнинг ўтмишда мамлакатимизга қилган визитингиз тўғрисидаги ёқимли хотиралар ҳали ҳам эсимизда турибди, Сиз жаноб олийларининг бу визити эса ўтмишдаги визитингиз ҳақидаги ёқимли хотираларимизни яна эсга туширади.

Ўтмишдаги учрашувларимиз қўшни ва дўст мамлакатларимиз ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ишида ижобий натижалар берганлигини назарда тутиб, мен шу нарсага аминманки, энг бошданоқ ўзаро ҳамжиҳатлик, бир-бирини ҳурмат қилиш, шунингдек ўзаро ишонч принципларига асосланган муносабатларимиз, Сиз жаноб олийларининг бу сафарингиз натижасида янада кўпроқ мустаҳкамланади.

Сиз жаноб олийлари таклифимизни қабул қилиб, мамлакатимизга келганлигингиз туфайли хурсандлигимни изҳор қилиб, Сизни ишонтириб айта оламанки, дўстлик туйғулари ва яхши истаклар шу сафарингиз вақтида Сизга ва Сизнинг ҳамроҳларингиз бўлган ҳурматли кишиларга йўлдош бўлади. **(Қарсаклар).**

Шундан кейин Никита Сергеевич Хрушчев жавоб нутқи сўзлади.

Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи

Подшоҳ Муҳаммад Зоҳир Шоҳ ҳазрат олийлари!

Бош министр Муҳаммад Довуд жаноб олийлари!

Ҳурматли жаноблар!

Азиз дўстлар!

Мен Афғонистон тупроғига келиш билан аввало, лутфан таклиф қилганликлари учун Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир Шоҳ ҳазрат олийларига ва подшоҳ ҳукуматига самимий ташаккур изҳор қилишни истайман. Бу таклиф бизга тўрт йиллик танаффусдан кейин дўст Афғонистон давлатига яна келиш учун имкон берди.

Дўст Афғонистонга, Афғонистоннинг мард ва меҳнатсевар халқига совет халқи номидан, Совет ҳукумати номидан ва шахсан ўз номимдан оташин салом топширишга ва унинг гуллаб яшнаши ҳамда осойишта бўлишини исташга ижозат бергайсиз.

Афғонистон ва Совет Иттифоқи раҳбар арбоблари ўртасида яхши шахсий алоқалар ўрнатилди, яхши қўшнилар орасида худди шундай муносабатлар бўлиши керак. Шу йиллар ичида кўпгина фойдали учрашув ва суҳбатларимиз бўлди. Бу учрашув ва суҳбатлар мамлакатларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш учун катта фойда келтирди.

Биз Совет-Афғонистон муносабатлари учун шонли кунларда Сизнинг пойтахтингизга келдик. Бундан 39 йил муқаддам, 1921 йил 28 февралда, мустақиллик ва мустақил ривожланиш ҳуқуқини қаттиқ курашиб қўлга киритган Афғонистон билан ёш Совет давлати ўртасида шартнома имзоланган эди. Бу шартнома совет-афғон дўстлиги ва ҳамкорлигининг мустаҳкам асосларини яратди. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари ўзаро ҳурмат ва тенглик асосида муваффақиятли суратда ривожланиб бормоқда. Кейинги йилларда давлатларимиз ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар янада кенг ривожланди.

Совет-Афғонистон муносабатлари турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши ва самарали ҳамкорлигининг кўпдан буён муносиб намунаси эканлигини қайд қилиб ўтиш ёқимлидир.

Совет ҳукумати, бутун совет халқи Афғонистон ҳукуматининг ўз мамлакати миллий мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида зўр ғайрат қилаётган ишларига юксак баҳо бермоқда. Бетарафлик ва халқлар ўртасида тинчликни таъминлаш сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш тинч шароитда Афғонистоннинг ўз экономикасини ривожлантириши, ўз давлатининг негизларини мустаҳкамлаши учун имконият яратиб беради.

Сизлар Афғонистоннинг содиқ дўсти бўлган биз, Совет Иттифоқи вакилларини самимий, дўстона кутиб олганлигингиз учун шу ерда ҳозир бўлган барча кишиларга катта раҳмат.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик тобора мустаҳкамлансин ва ривожлансин. **(Қарсаклар).**

• • •

Н. С. Хрушчевнинг нутқи зўр эътибор билан тингланди. Шундан кейин Н. С. Хрушчев, подшо Зоҳир Шоҳ ва уларнинг ҳамроҳлари автомашиналарга қараб йўл оладилар. Баграм аэродромидан Н. С. Хрушчев нинг резиденцияси Чехелсотун саройигача бутун йўл бўйи неча ўн минглаб кишилар ҳурматли совет меҳмонини ва Афғонистон подшосини табрикладилар.

Ҳамма ерда ўрнатилган байрам аркларига пушту тилида ва рус тилида қуйидаги сўзлар ёзилган транспарантлар тортиб қўйилган: «Биз дўст ва қўшни мамлакатимизнинг раҳбарларини кўриш билан хурсандмиз», «Совет Иттифоқи Афғонистоннинг мустақиллигини таниган биринчи давлат бўлди», «Совет Россияси бизнинг мустақиллигимизни ҳаммадан олдин таниди ва биз буни асло унутмаймиз». Кобил шаҳрига кира беришдаги ҳурмат аркига шу сўзлар ёзилган эди: «Дўстларимиз учун мамлакатимизнинг дарвозалари ҳам, бизнинг қалбларимиз ҳам доим очиқ».

Афғонистон пойтахти байрамдагидек безатилган. Ҳамма ерда афғон ва совет байроқларини кўриш мумкин эди. Совет ҳукуматининг бошлиғи келишидан анча вақт илгари шаҳар кўчалари одамлар билан лиқ тўла эди. Кўп кишилар афғон ва совет байроқчаларини кўтариб олганлар.

Н. С. Хрушчевнинг Ҳиндистон, Бирма, Индонезия ва Афғонистонга қилган визити дунёнинг ҳамма қисмида жуда катта қизиқиш туғдирди.

Афғонистоннинг бугун чиққан ҳамма газеталари ҳурматли меҳмонни табриклайдилар. «Ислоҳ» газетаси Азиз меҳмонимиз бугун Баграм аэродромига келади» деган катта сарлавҳа остида Н. С. Хрушчевнинг фотосуратини ва бу визитга бағишланган бош мақола босиб чиқарди.

«Бугун,—дейилади мақолада,— азиз ва ҳурматли меҳмонимиз ҳамда унинг ҳамроҳлари ватанимизнинг пойтахтига келадилар. Афғон халқи азиз меҳмонларни самимият билан кутиб олади». Газета Никита Сергеевич Хрушчевнинг 1955 йилда Афғонистонда бўлганлигини қайд қилиб ёзадики, Н. С. Хрушчев улуғ мамлакат — Совет Иттифоқининг давлат арбоби бўлибгина қолмай, балки халқаро миқёсдаги атоқли давлат арбоби ҳамдир. У ўзини бутун дунёда тинчлик учун кураш ишига бағишлагандир.

Газета қуйидагиларни таъкидлайди: Хрушчев жанобларининг мамлакатимизга қилган визити ҳар иккала мамлакат ўртасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш йўлида қўйилган яна бир қадам бўлишига аминмиз».

Сиз, жаноб олийлари, биринчи марта бизнинг мамлакатимизга бундан 5 йил муқаддам келган эдингиз. Сизнинг бу сафарингиз тўғрисидаги ёқимли хотираларни шундан бери сақлаб келмоқдамиз. Бу сафарнинг ижобий натижалари мамлакатларимиз ўртасида дўстона муносабатларни ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва кенгайтиришдаги янги даврга мустаҳкам негиз солди. Сиз, жаноб олийларини ишонтириб шуни айтишим мумкинки, бу дўстона ҳамкорликнинг гўзал самараларини Афғонистон ҳукумати ва халқи астойдил қадрламоқдалар.

Тарих шу нарсанинг шоҳидидирки, халқимизнинг мустамлакачиларга қарши узоқ давом қилган кураши афғон миллатини Осиёда мустамлакачиликка қарши курашни биринчи бўлиб бошлаган мамлакатга айлантирди, эркинликни эса, Афғонистоннинг ажралмас хоссасига айлантирди. Эркинликнинг муқаддас принципларини ҳурматлаётганлигимиз бошқа халқларнинг эркинлигини ҳурматлаётганлигимизни ҳамда жаҳонда мана шу қонуний ва табиий ҳуқуқлардан ҳозиргача маҳрум бўлиб турган халқларнинг истак-орзуларини ва интилишларини қувватлаётганлигимизни кўрсатади. Ҳозирги вақтда биз эркинликка эришмаган халқларга ҳамон ҳайриҳоҳ бўлиб уларни ёқлаб келмоқдамиз. Бугунги кунда инсоният эркинлик, тенглик ва қардошлик сари, ўзининг гарантияланган ва осойишта келажагини таъминлаш йўлидан бормоқда. Бу факт биз яшаб турган замоннинг нишонасидир. Бу фактни назар-писанд қилмаслик инсониятнинг тараққиётига ва бутун дунёдаги тинчликка зид бўлиб тушади.

Афғонистон ҳукумати бетарафлик сиёсатини ўтказиб, сиёсий ва ҳарбий гуруҳларда қатнашишдан ўзини четга тортмоқда. Ҳамма халқлар билан дўстлик ва ҳамкорлик ўрнатиб, шу йўл билан тинчликни таъминлаш бу сиёсатнинг асосий мазмунидир. Афғонистон ҳукумати ҳамма халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик шароитидагина моддий базани ва социал ислоҳотларни ривожлантирмоқ учун самарали имкониятлар мавжуд бўлади, деб ҳисоблайди. Инсон ҳуқуқларини ҳурматлаш, низоли масалаларни ҳал қилишда тинч музокаралар олиб бориш йўли билан ўз хоҳишини эркин равишда изҳор қилиш принципи, шунингдек халқлар ўртасида дўстликни ва ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, яъни ҳозирги замон халқаро турмушининг талабини амалга ошириш миллий сиёсатимизнинг таркибий қисмидир. Шу принципларни эътироф қилиш ва ҳурматлаш билан бутун дунёда тинчлик бўлишига ва инсониятнинг осойишта яшашига умид қилиш мумкин.

Инсониятнинг бахт-саодатини таъминловчи яна бир муҳим асос шуки, у ҳам бўлса, ўтмишда рўй берган факторлар сабабли ҳанузгача моддий қийинчиликларни бошидан кечираётган ва, ҳатто, ўзининг ижтимоий ва маънавий турмушини ривожлантириш имкониятини олмаган халқ оммасининг турмуш аҳволини яхшиламоқ учун курашиш ва шунга интилишдир. Шу сабабли Сиз, жаноб олийлари, шуни кўришингиз мумкинки, халқимизнинг ўз миллий орзуларини рўёбга чиқариш йўлидаги интилиши билан бирга халқ оммасининг бахт-саодатини таъминлашни мақсад қилиб олган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг принциплари ҳам Афғонистоннинг тўла бетарафлик сиёсатининг манбаи бўлиб турибди.

Инсоният ўз тарихида тинчликка ҳеч қачон ҳозирги вақтдагидек шунчалик муҳтож бўлмаган эди. Тинчликни таъминлаш эндиликда ер юзидаги аҳолининг бир қисми ёки бутун аҳоли учун осойишталикни таъминлашдан иборат бўлибгина қолмай, балки тинчликни таъминлаш инсониятнинг бундан буёнги яшаши билан боғланган зарурият бўлиб қолди. Умумий тинчликни таъминлашни бир тўда давлатларга дахлдор бўлган нуқул сиёсий масала деб ҳисоблаб бўлмайди, чунки бутун инсониятнинг ҳаёти ва тақдири тинчликни таъминлашга боғлиқдир. Умумий тинчликни таъминлаш эндиликда ҳар бир кишининг ишидир.

Тинчликни таъминлашга ва сақлаб қолишга ўзини бағишлаган кишиларнинг куч ва ғайратини Афғонистон ҳукумати ва халқи астойдил қўллаб-қувватлаётганлигининг сабаби мана шудир, бундай кишиларнинг шу йўлдаги ҳар бир самарали қадамини мамлакатимизнинг халқи астойдил қувватлаётганлиги ва эътироф қилаётганлигининг сабаби мана шудир.

Тинчлик йўлидаги тўсиқлар ва тинчликка таҳдид қилаётган нарсаларнинг ҳаммаси орадан олиб ташланмас экан, цивилизациянинг емирилиш хавфи ва инсониятни қириб юбориш хавфи урушни тақиқлаб қўйиш натижасида тугатилмас экан, инсониятнинг ҳаёти қирғин хавфи остида тура беради. Сиз, жаноб олийларининг, ёппасига қуролсизланиш ва ядро қуролини тақиқлаш тўғрисида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида киритган таклифингиз узоқ давом қиладиган ва мустаҳкам тинчлик учун маҳкам пойдевор бўлиши мумкин. Бу яхши тадбирни самарали амалга ошириш инсониятни ҳалокатдан қутқариб қолиши ҳамда бахтиёрлик ва осойишталикни таъминлаши турган гап, ҳаммамизнинг мақсадимиз ҳам шудир. Афғонистон ҳукумати узоқни кўриб қилинган бу таклифни маъқуллаш ва қувватлаш билан бу таклиф инсониятнинг кўпдан қилиб келган шу орзусини рўёбга чиқармоқ учун негиз вужудга келтиради ва буюк давлатларнинг эътиборини ўзига тортади, деб умид қилади. Шунинг натижасида инсоният ихтиёрида бўлган моддий ва маънавий кучлар қашшоқликни ва очликни тугатишга, шунингдек инсониятга энг яхши моддий ва маънавий турмушни ҳамда бахт-саодатни таъминлаб беришга сафарбар қилинади.

Афғонистон ҳукумати ва халқи буюк давлатлар бошлиқларининг бўладиган учрашувлари муваффақиятли бўлиб чиқади, деб яхши умид қилмоқдалар, чунки бу учрашувларнинг ижобий натижалари ва муваффақияти жаҳон проблемаларини ҳал қи-

(Охири иккинчи бетда).

АЗИЗ МЕҲМОН ШАРАФИГА ЗИЁФАТ

КОБИЛ, 2 март. (ТАСС). Бугун Афғонистон бош министри Муҳаммад Довуд СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда совет томонидан Н. С. Хрушчев, А. А. Громико, Н. А. Михайлов, Г. А. Жуков, С. А. Скачков, Т. Ў. Ўлжабоев, А. М. Марков, СССР элчиси М. В. Дегтярь ва Н. С. Хрушчевга ҳамроҳ бўлган бошқа кишилар ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда Афғонистон томонидан бош министр Муҳаммад Довуд, бош министрнинг биринчи ўринбосари Али Муҳаммад, ташқи ишлар министри Муҳаммад Наим, Афғонистон Халқ кенгашининг раиси Муҳаммад Навруз, Афғонистон кабинетининг аъзолари ҳозир бўлдилар. Зиёфатда Кобилдаги дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқлари ҳам ҳозир бўлдилар.

Зиёфат вақтида М. Довуд ва Н. С. Хрушчев нутқ сўзладилар.

Муҳаммад ДОВУД нутқи

Сиз Бош министр жаноб олийлари!

Сиз жаноб олийлари, бизнинг мамлакатимизга келганлигингиз ва бу дўстона қабул маросимига ташриф буюрганингиз муносабати билан Сизга ўз ташаккуримни изҳор қиламан. Мен бу қулай фурсатни мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлида қўйилган янги ижобий қадам, деб ҳисоблайман.

Давримизнинг талаблари давлатларнинг масъул раҳбарлари бирлари билан яхши танишиб олмоқ ва бир-бирларини тушунмоқ мақсадида бир-бирлари билан маҳкам алоқада бўлиб туришларини ғоят зарур иш қилиб қўйди. Сиз жаноб олийларининг бу сафари мамлакатларимиз бахтига бир-биримизга бўлган доимий хайриҳоҳликларни исботловчи далилдир. Қўшни мамлакатлар бирларининг ўзаро муносабатларида юксалишлар ва тушкунликларнинг шоҳиди бўлганлар. Бироқ, Афғонистоннинг ўз улуғ қўшниси — Совет Республикалари Иттифоқи билан ўзаро муносабатлари шу билан фарқ қиладики, бу ўзаро муносабатлар мамлакатларимиз ўртасида аввал бошданоқ, бир-бирларини ҳурматлаб ва бир-бирларига ишониб, беғараз ва анъанавий дўстлик вазиятида мавжуд бўлган яхши туйғулар асосида давом қилиб келмоқда.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий Статистика бошқармасининг АХБОРОТИ

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXI съезди ва Марказий Комитет декабрь Пленумининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб ва ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш юзасидан оширилган социалистик мажбуриятлар олдилар.

Улар 1960 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини анча кўпроқ етиштириб, давлатга сотиш мажбуриятини олдилар. Улар бу йил гўшт сотиш соҳасида икки йиллик планни бажаришга, 330 минг тонна сут ва бошқа кўп маҳсулотлар сотишга қарор бердилар.

Гўшт тайёрлаш юзасидан бутун биринчи кварталга мўлжалланган план 1960 йил 1 мартгача бажарилди. Шу билан бирга, шу йилнинг дастлабки икки ойи мобайнида давлатга 1959 йилнинг шу давридагига нисбатан беш баравар кўп гўшт топширилди ва сотилди. Айрим колхоз ва совхозлар, шунингдек айрим районлар давлатга гўшт сотиш ярим йиллик планини ва ҳатто, бир йиллик планини 1960 йил 1 мартгача бажардилар.

Тошкент области планни бажариш суръатлари жиҳатидан бошқа областларга қараганда олдинда бормоқда. Тошкент области 1960 йил 1 мартгача ярим йиллик планни 72,8 процент бажарди. Фарғона ва Сурхондарё областларида гўшт тайёрлашнинг бориши чакки эмас. Чорвачилик маҳсулотларининг бошқа турларини ҳам тайёрлаш тез суръатлар билан давом этмоқда. 1960 йил 1 мартга қадар давлатга ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки баравар кўп сут, беш баравар кўп тухум топширилди ва сотилди.

Кўн ва мўйна хомашёси ва жун тайёрлаш ўтган йилдагидан анча кўпайди. Ана шу маҳсулотларнинг ҳаммасини тайёрлаш давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.

Муҳаммад ДОВУД нутқининг охири

(Боши биринчи бетда).

лишга ва халқаро кескинликни йўқотишга катта таъсир ўтказади. Бахтимизга шуни айтмоқ керакки, бу кескинликни йўқотмоқ ва халқаро масалаларда ҳамжиҳатликни вужудга келтирадиган яхши вазият яратмоқ учун кейинги вақтларда кўрилган чора-тадбирлар умидлантирувчи ва мақташга сазовор чора-тадбирлар бўлмоқда. Ёркин келажакка ва шу ғайратлар натижасида тинчлик таъминланишига катта умид бағишлаётган бизнинг халқимиз бу чора-тадбирларни табриклайди.

Сиз, жаноб олийларининг, АҚШга қилган сафарингиз ва АҚШ президенти Эйзенхауэр жаноб олийларини Совет Иттифоқини келиб кўришга таклиф қилганлигингиз халқларда халқаро проблемалар бўйича ҳамжиҳатликка эришилади, деган умидворлик руҳини ва зўр оптимизмни вужудга келтирган негиз бўлди. Худди шунингдек Совет Иттифоқи ҳукуматининг ўз қуролли кучларини анча қисқартириш йўлида кўрган тадбирлари Совет ҳукуматининг тинчликсеварлик мақсадларини тасдиқловчи яна бир ижобий қадам бўлди. Ҳамма бу руҳни сақлаб қолишга ва ривожлантиришга интилмоқда, деб умид қиламиз.

Шу нарсани қайд қилиб ўтишни зарур деб ҳисоблайманки, бизнинг мамлакатимиз халқнинг миллий эҳтиёжларини ҳамда яхши моддий ва маънавий турмушини таъминлаш мақсадида ўз экономикасини ривожлантиришда дўст мамлакатлар бераётган ёрдамдан ўз имкониятлари доирасида ўзи учун катта манфаат билан фойдаланди. Бу дўстона ёрдамдан халқимиз ғоят миннатдор бўлди. Дўст мамлакатимиз Совет Иттифоқининг бераётган иқтисодий техника ёрдами давлатимизни ривожлантиришда катта роль ўйнамоқда. Шу ёрдам доирасида ижтимоий ободончилик учун тузилган ва амалга оширилаётган жуда кўп лойиҳаларнинг бир қисми бажарилди, баъзилари ҳозир муваффақиятли равишда бажарилмоқда. Афсуски, сиз жаноб олийлари, сафарингиз қисқа муддатли бўлганлиги сабабли Совет Иттифоқининг ҳамкорлиги ва дўстона ёрдами натижасида қурилаётган объектларнинг кўплари билан шахсан танишиш имкониятига эга бўлолмайсиз. Сиз Кобилдаги бир неча объектларни кўриб чиқишингиз ва шу программанинг унчалик катта бўлмаган қисми бажарилганлиги тўғрисида тасаввур олишингиз мумкин.

Биз худой таолонинг ёрдами билан ҳамда халқимизнинг кучига ва ҳормай-толмай сарфлаётган ғайратига тўла ишонганимиз ҳолда, ўз мамлакатимизнинг иш планларини бажариш йўлидан олға бормоқдамиз. Ҳозир Афғонистон иккинчи беш йиллик планининг асослари ўрганилмоқда. Бу планни бажариш натижасида биз халқимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини яхшилаш йўлида янги қадам қўямиз.

Афғонистонга фақат нодўстлик билан қараётганларнинг ёвуз уйдирмалари ва иғвогарлик ҳаракатлари бизни бу ҳаётий вазифамизни бажаришдан қайтара олмайди, чунки бизнинг бу ғайратимиз афғон халқининг иродасидан келиб чиқмоқда ва бугунги олижаноб турмушимизнинг ва истиқболимизнинг моҳияти бўлган бу миллий иродани бажаришдан бизни бирор фактор четга буриши мумкинлигини тасаввур қилиб бўлмайди.

Бизнинг халқимиз мана шу миллий сиёсатимизни амалга оширмоқ учун бизга ёрдам кўрсатаётган мамлакатлар ва халқаро ташкилотлардан ҳамиша миннатдор бўлиб келмоқда. Шуни назарга олиб, мен мамлакатимизга тўла ҳайрихоҳлик билан ва ҳеч қандай шартлар қўймасдан анча ёрдам бераётганлиги учун дўстимиз Совет Иттифоқига ташаккур изҳор қиламан. Бу ҳол идеологиялари турлича бўлган, шунингдек ижтимоий ва иқтисодий системалари турлича бўлган икки қўшни мамлакат тинч-тотув яшаш принципи асосида ўзларининг дўстона муносабатларини мустаҳкамлай олганлигини ва ривожлантира олганлигини кўрсатувчи намунадир.

Сиз, жаноб олийларига ва Сизнинг ҳурматли ҳамроҳларингизга шу визитингиз учун ташаккур изҳор қилганим ҳолда, Сизнинг сафарингиз дўстона муносабатларимизни мамлакатларимиз манфаатлари йўлида янада кўпроқ ривожлантиришига ва кучайтиришига ҳамда бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилишига аминман. Юқори мартабали меҳмон бўлган Сизни яна бир марта табриклайман.

Сиз жаноб олийлари, хонимлар ва жаноблар! Бутун дунёда чинакам тинчлик бўлади, деган зўр умидлар билан сизлардан шарбат тўлдирилган қадаҳларингизни ҳурматли меҳмонимиз — Совет Иттифоқининг бош министри Хрушчев жаноб олийларининг сиҳат-саломатлиги ва бахт-саодати учун ва тинчликни ҳамда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Афғонистон ўртасидаги дўстликни таъминлашга қаратилган ишларидаги муваффақиятлари учун мен билан бирга кўтаришларингизни ўтинаман! **(Қарсаклар).**

Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи

Сиз муҳтарам бош министр жаноб олийлари! Сиз жаноб олийлар! Хонимлар ва жаноблар! Азиз дўстлар!

Сиз Бош министр жанобларига бу ерда совет халқига, Совет ҳукуматига ва шахсан менга нисбатан кўрсатилган астойдил меҳмондўстлик учун, изҳор қилинган самимий, дўстона ҳислар учун ташаккур айтишга ижозат бергайсиз.

Биз билан кўп вақтлардан бери самимий дўст бўлиб келаётган ва бу дўстликни тобора мустаҳкамлаётган яхши қўшниларимиз ҳузурида яна меҳмон бўлиш имконияти бизга берилганлиги учун миннатдормиз. Бу ерда, Кобилда ҳам, шунингдек Москвада ҳам подшо ҳазрат олийлари билан, Сиз Бош министр жаноблари билан ва Афғонистоннинг бошқа давлат арбоблари билан бўлган учрашувлар ва суҳбатларимизни хурсандлик билан эсга оламан. Совет ва Афғонистон давлат арбоблари ўртасидаги шахсий алоқаларнинг кенгайиши мамлакатларимиз ўртасида тағин ҳам кўпроқ ҳамжиҳатликка эришишга ҳамда дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда.

Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасида муносабатларимизни хиралаштира оладиган англашилмовчиликлар бўлган эмас ва ҳозир ҳам йўқ. Мамлакатларимиздаги давлат тузуми ва ижтимоий тузум турличадир. Лекин бу ҳол бизнинг яхши қўшнилар ва самимий дўст бўлишимизга халақит бермайди. Бизнинг дўстона муносабатларимиз ҳар иккала давлат халқлари ва ҳукуматларининг тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга, ўз муносабатларини бир-бирларини ҳурматлаш ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик принципларига қуришга биргаликда интилаётганликларига асосланган муносабатлардир.

Совет Иттифоқи ҳукумати ва Афғонистон ҳукумати тинч экономикани ривожлантиришга қаратилган тинчликсевар сиёсат ўтказиб келмоқдалар. Совет-Афғонистон муносабатлари ижтимоий сиёсий системалари турлича бўлган икки давлатнинг тинч-тотув яшаётганлиги ва ҳамкорлик қилаётганлигини кўрсатувчи ибратли ўрнак бўла олади. Агар бошқа мамлакатлар ҳам бу ибратдан ўрнак олганларида эди, жуда яхши бўлур эди.

Совет-Афғонистон муносабатлари ҳақида ёвузлик билан қасддан тарқатилаётган ҳар хил уйдирмалар оз эмас, бундай уйдирмаларни тарқатишда Совет Иттифоқига ва Афғонистонга нисбатан нодўстлик кайфиятида бўлган мамлакатлардаги муайян доиралар, айниқса зўр бермоқдалар. Бироқ, бизда бу туҳмат заҳрини қайтарадиган яхши ва ишончли даво бор. Совет Иттифоқи ленинча ташқи сиёсатни, ҳамма халқлар ва давлатларнинг тенг ҳуқуқлилиги сиёсатини, тинчлик ва бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик, ҳамма халқлар ўртасида дўстлик сиёсатини қаттиқ туриб оғишмай ўтказиб келмоқда. Афғонистон изчил бетарафлик сиёсатини, ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва тинчлик манфаатларини кўзлаб бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш сиёсатини ўтказиб келмоқда. Агар ҳар иккала мамлакат бу дўстликни қадрлаб, уни мустаҳкамлай берсалар, Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасидаги анъанавий дўстона муносабатларни мамлакатларимизнинг рақиблари ҳеч қачон бўшаштиролмайдилар, деб айтсам, мен бу билан фақат ўз фикримнигина эмас, шу билан бирга, афғонистонлик дўстларимизнинг ҳам фикрини ифодалаган бўламан, деб ўйлайман.

Афғонистон мустақил давлат бўлиб, биринчи қадамларни қўйганидан бошлаб, улуғ Ленин раҳбарлигидаги бизнинг ёш Совет давлатимиз Афғонистоннинг миллий мустақиллик учун олиб борган курашида унинг томонини олиб келди.

Кейинги йилларда Осиё ва Африканинг кўпгина халқлари ҳам миллий мустақилликка эришдилар. Шармандали мустамлакачиликка абадий хотима бериладиган вақт яқинлашиб қолди. Лекин сиёсий мустақилликка эришиш империалистларнинг мустамлака асоратидан қутилишнинг фақат бошланғичидир. Мустамлакачиликдан озод бўлган мамлакатлар олдида миллий экономикани ривожлантириш, халқнинг моддий фаровонлигини ва маданиятини ошириш вазифаси кўндаланг бўлиб қолди, чунки уларга колоқлик ва қашшоқлик мустамлакачиликдан мерос бўлиб қолган.

Биз Шарқ мамлакатларига, шу жумладан, Афғонистонга ҳам иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар қаторига тезроқ ўтиб олсинлар деб чин кўнгилдан ёрдам бериб келдик ва ёрдам бераверамиз.

Совет Иттифоқи, барча социалистик мамлакатлар иқтисодий жиҳатдан кам тараққий этган мамлакатларга ёрдам кўрсатишдан иборат бу принципни изчиллик билан ўтказиб келмоқдалар. Социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари ўз эркинлиги ва мустақиллиги учун курашаётган халқларнинг ўз экономикаларини вужудга келтиришларини ва ўзларини ўнглаб, қаддларини ростлаб олишларини астойдил истайдилар.

Афғонистон ҳукумати ва халқи ўз миллий экономикасини ривожлантирмоқ ва мамлакатнинг маданий савиясини юксалтирмоқ учун зўр ғайрат билан чора-тадбирлар кўраётганлигини кўриб турибмиз. Афғонистон ҳукумати ва халқининг бу йўлда сарфлаётган ғайратини Совет ҳукумати ва совет халқи чуқур тушунмоқда ва жуда дўстона равишда қувватламоқда.

Биз ўзимиз ҳам, айниқса Совет давлати барпо қилинганидан кейинги дастлабки йилларда революциядан олдинги Россиянинг асрий қолоқлигини, шу жумладан, маданият ва маориф соҳасидаги қолоқлигини ҳам тугатмоқ учун жуда катта куч ва ғайрат сарфлаган эдик. Шу сабабли Афғонистон ҳукумати маорифни, соғлиқни сақлашни ривожлантириш соҳасида, мамлакатингизнинг тараққий этишига ёрдам берувчи бошқа ислоҳотларни ўтказиш соҳасида кўраётган чора-тадбирларни биз яхши тушуниб ва англаб турибмиз.

Халқнинг меҳнатида ва ўз ватанининг бахт-саодати учун самарали меҳнат қилиши ҳамда унинг эркинлигини ҳимоя қилиши лозим бўлган ёш авлодни тарбиялашда хотин-қизлар анча катта роль ўйнайдилар. Бу ерда бизнинг орамизда бўлган афғон хотин-қизларини чин кўнгилдан табриклашга ҳамда уларга ва улар орқали барча афғон хотин-қизларига қилаётган олий ҳиммат ишларида катта муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Биз, азиз афғонистонлик дўстларимизнинг кейинги вақтларда ўз мамлакатида эришган муваффақиятларига хурсандмиз. Бизнинг дўстлигимиз замон синовидан ўтди. Совет Иттифоқи ўзининг яхши қўшниси ва дўстини ҳеч қачон кулфатда ёлғиз қолдирган эмас, Афғонистоннинг эҳтиёжларига биз ҳеч қачон бепарво бўлган эмасмиз. Биз бундан буён ҳам сизнинг мамлакатингизга кўмаклашишга, афғон халқи ўз экономикасини ва маданиятини тез ривожлантира олиши учун, агар сизлар истасангиз, ўз тажрибамизни сизлар билан баҳам кўришга тайёрмиз. Бу билан бизнинг дўстлигимиз ва ҳамкорлигимиз тағин ҳам яхшироқ ва маҳкамроқ бўлиб қолади. Бизнинг ҳамкорлигимиз шунинг учун ҳам қимматлидирки, бу ҳамкорлик тенг ҳуқуқли ва мустақил давлатларнинг дўстона ҳамкорлигидир!

Азиз дўстлар! Баъзи давлатлардаги муайян доираларнинг хатти-ҳаракати Афғонистонда ташвиш туғдираётганлигини тушуниб турибмиз, бундай доиралар учун бошқа халқларнинг қонуний миллий ҳуқуқларини ҳурматлаш тушунчаси ёт тушунча бўлса керак.

Шу нарса сир эмаски, бундай доиралар айни замонда ўзлари яқиндагина миллий мустақилликка эришган давлатларда ҳам бор. Улар бошқа халқларнинг қонуний ҳуқуқларига нисбатан алоҳида тушуниб, муносабатда бўлишлари лозим эди. Аммо, уларнинг сиёсати ҳозир мустамлакачилик кишанларини биринкетин парчалаб ташлаётган кўп халқларни асрлар давомида мустамлака асоратида сақлаб келган давлатларнинг сиёсатидан унчалик фарқ қилмаётир.

Ҳар қандай зулмнинг душмани бўлган Совет Иттифоқи ҳар бир халқнинг адолатли миллий истак ва орзуларини қувватлаб чиқмаслиги мумкинми? деган савол туғилади.

Давлатлар ўртасидаги, шу жумладан, қўшни давлатлар ўртасидаги муносабатларни хатарли кескинлаштириш манбаи бўлган сиёсатни биз икки баравар қоралаймиз. Аҳволнинг кескинлашуви ва давлатлар ўртасида жанжаллар туғилиш хавфи бошқа давлатларни, шу жумладан, Совет Иттифоқини қизиқтирмаслиги мумкин эмас, чунки Совет Иттифоқи халқларнинг қонуний миллий манфаатларини ва уларнинг мустақилликка бўлган ажралмас ҳуқуқларини ҳимоя қилибгина қолмасдан, шу билан бирга, бутун дунёда тинчлик учун энг изчиллик ва сабот билан курашиб ҳам келмоқда.

Ҳазрат олийлари Муҳаммад Зоҳир шоҳнинг сиҳат-саломатликлари учун, бош министр Муҳаммад Довуд жаноб олийлари учун ва Афғонистоннинг бошқа давлат арбоблари учун қадаҳ кўтаришга ижозат бергайсиз! Афғон халқи учун!

Мамлакатларимизнинг равнақи учун! Совет-Афғонистон дўстлиги ва ҳамкорлиги учун! **(Қарсаклар).**

* * *

Зиёфат ғоят самимий ва дўстона вазиятда ўтди.

Инсоннинг гўзаллиги, совет кишиси маънавий қиёфасининг бойлиги ҳар бир суратда, ҳар бир портретда кўзга яққол ташланиб турсин. Бунинг учун рассом бўёққа қалб ҳароратини ҳам қўшиши керак, — дейди Тошкент театр-рассомлик институтини бу йил тамомловчи бўлажак рассом Раъно Исматова. У кўплаб портретлар, этюдлар яратди. Раъно Халқаро хотин-қизлар байрами — 8 Мартни янги ижодий ишлар билан кутиб олаётир. СУРАТДА: Рассом ўз устахонасида диплом ёқлашга тайёрланаётир.

И. Галуберзон фотоси.

ИШЧИ МУХБИРЛАР ХАБАР ҚИЛАДИ

60 МИЛЛИОН СЎМЛИК ГАЗЛАМА

Марғилон шаҳридаги «Байналминал» артели аъзолари маҳсулот ишлаб чиқариш планларини доимо ошириб адо этмоқдалар. Артель 45 кунлик планни 40 кунда бажариб, шаҳар корхоналари ўртасида олдинда бормоқда. Бир ярим ойда топшириқ бўйича 7 миллион сўмлик ўрнига 8,2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Хайрихон Қодирова бошлиқ 15-цех ишчилари бир ярим ойлик планни 135 процент бажариб, мусобақа илғори бўлдилар.

Артель аъзолари бу йил 60 миллион сўмлик шойи, атлас, бахмал ва бошқа газламалар ишлаб чиқариб, йиллик планни муддатидан анча илгари адо этмоқчилар.

А. Набихўжаев.

РАЦИОНАЛИЗАТОР МАСТЕР

Тошкент вагон депосининг мастери Петр Андреевич Прилепский иш бошлагандан буён 80 дан ортиқ рационализаторлик таклифи киритиб, қўл меҳнатини енгиллаштирди ва бир неча юз минг сўм давлат маблағини иқтисод қилди. Қимматли таклифлари ва ҳалол меҳнати учун унга «Фахрий темирйўлчи» значоги берилди.

Ўртоқ Прилепский ҳозир ижодий ишни янада қизитиб юборган. У яқинда тормоз арматураларини текширувчи мослама ихтиро қилди. Бу мослама тормоз арматураларини текширувчи кишининг меҳнат унумдорлигини икки баравар оширади.

А. Абдуллаев.

ЧИМҚЎРҒОНДА ИШ АВЖИДА

Қашқадарё воҳасидаги Чимқўрғон сув омбори қурилишида иш жуда қизиган. Қурувчилар сув омборини муддатидан илгари ишга туширмоқчилар. Шунинг учун ҳар бир бульдозерчи, экскаваторчи кунлик, ҳафталик, ойлик планларини ошириб адо этмоқда. Бульдозерчи, скреперчи ва экскаваторчилардан М. Эшонқулов, Н. Куликов, Э. Худоёров, А. Раҳмонов ўртоқлар астойдил ишлаб, ойлик планларини 160—180 процентдан бажараётирлар.

М. Сардоров,
М. Сатторов.

Контролсиз кинотеатрлар

БУХОРО, 3 март. (ЎзТАГ). «Комсомолец» шаҳар кинотеатрининг кассаси сотадиган билетларда одатдагича, қатор ва жой кўрсатилган, аммо уларда контроль талони йўқ. Бунлай талоннинг хожати ҳам йўқ. Фойега кирганнингизда контролерни кўрмайсиз. Томошабинлар бемалол залга кириб, ўз ўринларига ўтирадилар.

Область маданият бошқармаси бу ташаббусни маъқуллади ва шу ойдан бошлаб Бухоро областининг шаҳарлари ва қишлоқ марказларидаги ҳамма кинотеатрларни контролерсиз ишлашга кўчиришга қарор қилди.

ТЕАТР

ТУТУРИҚСИЗ КОМЕДИЯ

Шу кунларда Муқимий номидаги музикали драма ва комедия театри томошабинларга Б. Халиловнинг «Раис уйланармиш» деган асарини кўрсатмоқда. Автор бу комедияда ўзбек колхозининг бугунги ҳаётини, ундаги эскилик билан янгилик ўртасидаги курашни кўрсатиб бермоқчи бўлган. Аммо, афсуски, бу ният фақат ниятлигича қолган. Комедиядан биз на бугунги ҳаёт ҳақида, на бугунги колхоз кишилари ҳақида тўғри, ҳаққоний тасаввур ҳосил қилолмаймиз. Аксинча, саҳнадаги зўрма-зўраки воқеалар, уйдирма конфликтлар, бачкана қилиқлар, қовушмаган диалоглар ғашимизни келтиради, энсамизни қотиради. Фақат бир жойдагина—сўнгги картинада совчилар можароси тасвирланган ўринда авторнинг таланти йилт этиб кўринади-ю, яна йўқ бўлиб кетади. Асарни бадиий асар деб аташ учун дуруст ёзилган бир эпизоднинг ўзи, шубҳасиз кифоя қилмайди. Йўқ, «Раис уйланармиш» — эҳтироссиз ва ҳиссиз, ҳаётни чуқур ўрганмай туриб, энг муҳими, бадиий маҳоратни эгалламай туриб ёзилган нарса.

Музикали комедия адабиётнинг тенг ҳуқуқли жанрларидан бўлиб, бадиийликнинг умумий қонуниятларига бўйсуниши керак, яъни унда ҳам бирон жиддий ва фойдали фикр, ғоя бўлиши, бирор улкан масала ўртага қўйилиши, бу ғоя ва масала ёркин характерлар орқали очиб берилиши керак. Музикали комедиядаги енгиллик, хушчақчақлик, кулги ва куй ҳаёт ҳақиқатини бебурд қилишга эмас, тўлароқ очишга хизмат қилиши лозим. Б. Халиловнинг пьесасида бу талабларнинг биронтасига ҳам амал қилинмаган. Комедияда бирон жиддий фикр йўқ. Автор нима демоқчи? Ғийбатчилик ёмон демоқчими? Ёки колхозчиларнинг сут-қатиғини колхоз дўконида сотиш керак демоқчими? Ёхуд квадрат-уялаб чигит эккан маъқул демоқчими? Эҳтимол, колхозчиларга меҳнат ҳақини далада бериш лозим демоқчидир? Агар шундай бўлса, бу «ғоялар»ни айтиш учун махсус комедия ёзиб ўтириш шарт эмас.

Автор бугунги кунимиз учун хос бўлган, тўғрироғи бугунги куннинг руҳини ўзига сингдирган бирор улкан масалани ҳам кўтариб чиқмаган. Уч соатдан ортиқ давом этадиган пьесада бўладиган гап шундан иборатки, эски раис кайф-сафога берилиб кетиб, ишдан ҳайдалади, янги раис келади, эскиси уни кўролмай, «раис уйланармиш» деб иғво қилади, бунга ҳеч ким ишонмайди, охирида иғвогар шарманда бўлади. Бу воқеанинг нимасида бугунги кун нафаси бор? Бу воқеанинг нимаси адабиёт учун ҳам, томошабин учун ҳам янгилик? Наҳотки, автор бугунги колхоз ҳаётида бундан кўра муҳимроқ, характерлироқ гап топа олмаса?

Комедиядаги образларга мурожаат қилсак ҳам, авторнинг замондошларимизни, уларнинг психологияси ва ички дунёсини, ўйлари ва ниятларини яхши билмаслигини кўрамиз. Мана, асосий салбий қаҳрамон — Сафарбой. У—раис. Дала ишлари қизиб турган чоғда ўз кабинетида лаганбардорлар иштирокида зиёфат уюштиради. Олдига кирган колхозчиларнинг ҳаммасига «сени колхоздан ҳайдайман, тухумингни қуритаман» деб дўқ қилади. Раисликдан олингач, колхозда ишлашни хоҳламайди, янги раисга қарши иғво уюштиради. Бу образнинг сохталиги биринчи қарашдаёқ кўриниб турибди. Ўзбекистон колхозларидаги қайси бир раис ҳозирги кунда, дала ишлари қизиб турган чоғда, ўз кабинетида зиёфат уюштиради? Ёки қайси бир раис бесабаб, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, ҳамма колхозчига «уруғингни қуритаман» деб дўқ қилади? Унинг нима мақсадда миш-миш тарқатиши ҳам, нега ўжарлик қилиши ҳам маълум эмас.

Раисга қарама-қарши қўйилган асосий ижобий қаҳрамон, колхознинг янги раиси Қодировни олайлик. У «бизга диван эмас, колхозчилар керак», дейди, шуни амалга оширмоқчи бўлади. Бироқ, пьесада унинг қиладиган ишларининг тайини йўқ. У келгандан кейин колхозда ўзгариш бўлади. Аммо қандай қилиб ўзгариш бўлади? Қодиров қандай қийинчиликларга учради? Унинг ички дунёси қанақа? Бу саволларга асардан жавоб тополмаймиз. Олий агрономик маълумотга эга бўлган бу раиснинг механизацияга муносабати ҳам кишини ҳайрон қолдиради. Бригадир Сафарбой машинага ажратилган пахтани қўлда тердириб юборади. Буни эшитган раис Қодиров шундай дейди: «Машина Сафарали акага керак бўлмаса, бошқаларга, бошқа бригадаларга керак». Шу гап билан унинг антимеханизаторлик кайфиятларига қарши кураши тамом бўлади. Хуллас, бу образда биз ҳозирги илғор раисларга хос бўлган биронта сифатнинг бадиий тарзда очиб берилганини кўрмаймиз.

Гулнор, Раимжон, Норбўта, Қумрихонлар ҳам бир-бирларини севишдан бошқа ҳеч нарсаси билан ажралиб турмайди. Бироқ уларнинг севгиси ҳам жуда юзаки, бирёқлама тасвирланган. Бу ҳол қаҳрамонларнинг заиф, туссиз чиқишига сабаб бўлган.

Комедия композицион жиҳатдан жуда заиф. Бу табиий. Чунки айтадиган тайинли гап бўлмаса, унинг стерженининг ташкил қилувчи ғоя бўлмаса, асар чўзилиб кета беради.

Асарни М. Миртолипов саҳнага қўйган. Саҳналаштиришда ҳам бадиий дид, талабчанлик, режиссёрлик маҳорати етишмайди. Кулги туғдириш учун киритилган баъзи бир ёрдамчи эпизодлар бошдан-оёқ бачкана. Масалан, бешинчи кўринишда Норбўтанинг ўзини касалликка солиб, Рузвон холани қўрқитиши шундай бачканаликнинг ёркин мисоли бўла олади. Ҳайдар билан Норбўта ўртасидаги ёқа йиртиб, муштлашиш ҳам такрорлана бериб жонга тегиб кетади. Постановкачи-режиссёр арзон кулги кетидан қувиб, баъзан беҳаё пайровларга ҳам ўрин берган. Спектаклдан шу нарса кўриниб турибдики, постановкачи бу асарни саҳналаштирганда айрим томошабинларнинг қолоқ дидларига мослашишга интилган.

Муқимий номидаги театр талантли актёрлар коллективига эга. Нега шундай коллектив ўз шаъншуҳрати учун курашмайди, нега хом-хатала, пала-партиш асарларни саҳнага қўя беради? Ахир, сир эмаски, театрнинг репертуарида фақат «Раис уйланармиш» эмас, ундан бошқа ҳам бир қанча заиф асарлар бор. Бу — театрнинг томошабинлар оммасидан, республиканинг бошқа ижодий коллективларидан ажралиб қолганининг оқибати эмасми? Театр репертуарининг бу қадар заифлигига Республика Маданият министрлиги ва Ўзбекистон ёзувчилар союзи нега бефарқ қарайди.

Театрларимиз саҳнасида замонавийлик либосига бурканиб олган тутуриқсиз, саёз ва бемаъни асарларга ўрин йўқ!

О. ШАРАФИДДИНОВ

Филология фанлари кандидати.

БИР ЙИЛДА ИККИ ЙИЛЛИК МАҲСУЛОТ

КПСС XXI съезди ва партия Марказий Комитетининг сўнгги Пленумлари қарорлари Бухоро области меҳнаткашларини хўжаликни комплекс тараққий эттиришда, етти йиллик планни муддатидан илгари бажаришда янги ғалабаларга илҳомлантирмоқда. Ҳар бир коллектив маҳсулот етиштиришни кўпайтириш билан мамлакатимизда коммунизм қурилишини тезлатишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

15 БАРАВАР КЎП

Область экономикасида чорвачилик катта ўрин тутади. Бухороликлар етти йилликнинг иккинчи йилида давлатга 25,6 минг тонна гўшт, 37 минг тонна сут сотиш мажбуриятини олганлар.

Хўш, олинган социалистик мажбуриятни бажариш учун нима ишлар қилиняпти?

Областнинг деярли ҳамма районлари, колхоз ва совхозларида молларни бўрдоқига боқиш пунктлари ташкил қилинди. Чўчқа ва паррандаларни группа усулида боқиш методи кенг қўллана бошлади. Чорвадорларнинг асосий эътибори моллар туёғини кўпайтириш билан бирга, уларни нобуд бўлишдан сақлаш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини камайтиришга қаратилди. Бунинг учун кўп ички имкониятлар ишга солинди ва кўрилган тадбирлар ўз самарасини берди. Шу йилнинг ўтган икки ойида 3193 тонна бўрдоқи гўшти етиштирилди. Бу — ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 15 баравар кўпдир. 4233 тонна сут етиштирилди.

Молларни бўрдоқига боқиш пунктлари ташкил қилишни ҳамма жойда кенг қўллаш зарур. Бу—хўжаликлар учун катта фойда келтиради. Масалан, 1959 йилда давлатга гўшт учун сотилган ҳар қорамолнинг тирик вазни область бўйича ўртача 170 килограмм, чўчқанинг оғирлиги 85 килограмм эди. Бу йил эса қорамолнинг семизлиги 233 килограммга, ўртача чўчқанинг семизлиги 191 килограммга етганда гўштга сотилмоқда.

Свердлов, Вобкент, Конимех районлари гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ярим йиллик планини 35—40 кундаёқ бажарди. Свердлов районининг чорвадорлари январь ва февраль ойларида давлатга пландаги 238 тонна ўрнига 386 тонна сут сотдилар.

ҚЎЗ ЮМИБ БЎЛМАЙДИ

Чорвачиликни ривожлантириш, чорва маҳсулотлари етиштиришда ҳали ҳам жиддий нуқсонлар мавжуд. Областдаги колхоз ва совхозларда боқилаётган 1 миллион 930 минг бош қоракўл қўйдан 450 минг боши орикдир. Қизилтепа, Навоий, Ғиждувон, Бухоро районларида концентрат озуқалар етарли бўла туриб, ориқ қўйларни семиртириш чоралари кўрилмаётир.

Қизилқум яйловларида Ғиждувон район колхозларининг 130 минг бош қоракўл қўйи бор. Шундан деярли 50 проценти ўртадан паст семизликда. Ҳар бир чўпонга 600—700 бош бўғоз совлиқ бириктиб қўйилган, ёрдамчи ишчилар ажратилмаган. Чорвачилик мутахассислари отарларда камдан-кам бўладилар. Район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари эса бундай ачинарли аҳволга бефарқ қарамоқдалар. Конимех районининг «Кўкча» чўлидаги қўйчилик фермаларида ҳам аҳвол шундай.

Ғиждувон районидаги Ленин номли ва «Гулистон» колхозларида, Шофрикон районидаги айрим артелларда ориқ қўйларни ажратиб олиб алоҳида озуқа рациони билан боқишда кўзбўямачиликка йўл қўйилмоқда.

Бундай фактлардан кўз юмиб бўлмайди. Афтидан, бу район ва колхозларнинг раҳбарлари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларидан ҳамон тегишли хулоса чиқариб олмаганга ўхшайдилар.

НАСЛ САҚЛАНСИН

Қўзилатиш кампаниясининг оммавий равишда бошланишига саноқли кунлар қолди. Айрим фермаларда эса қўзилатиш бошланди. Бироқ, уни ташкилий томондан пухта тайёргарлик билан кутиб олиш эътибордан четда қолмоқда.

Қўйларнинг наслини яхшилаш, соғлом, тетик, нуқсонсиз туғилган қўзиларни насл учун сақлаб қолиш келгусида қўйчиликни ривожлантиришнинг муҳим омилидир. Аммо қўпгина отарларда янги туғилган қўзиларнинг ҳаммаси тери учун сўйилмоқда. Ваҳоланки, соғлом урғочи қўзилар наслга қолдирилса келгуси йилда ундан насл олиш мумкин.

Қўзилатиш пунктларида запас концентратлар, туз етарли жамғариб қўйилмаган. Кампания даврида чорвадорларга ёрдам кўрсатиш учун айрим хўжаликларда алоҳида комсомол постлари тузилмаган, тери ташиш учун транспорт воситалари етарли ажратилмаган. Область қишлоқ хўжалик бошқармаси ва совхозлар трестининг раҳбарлари чорвачиликка раҳбарлик қилишда қоғозбозлик ва телефонбозликдан амалий ишга ўтишлари керак.

ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИНСИН

Қизилқум, Ўртачўл, Конимех чўли ва бошқа яйловларда областнинг минглаб чўпон-чўлиқлари оила аъзолари билан истиқомат қилади. Улар ўзларининг ҳалол ва фидокорона меҳнатлари билан аҳоли жон бошига чорва маҳсулотлари етиштириш ҳақида партия ва ҳукуматимиз қўйган улуғвор вазифанинг бажарилишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Партия ва совет ташкилотлари, бутун жамоатчиликнинг муҳим вазифаси уларга бўлган ғамхўрликни кун сайин кучайтиришдан иборат.

Узоқ яйловлардаги чўпон-чўлиқларнинг оилалари учун сабзавот, картошка, гуруч, тайёр кийим ва пойафзаллар вақтида етказиб берилмайди. Фермаларда кўчма дорихоналар, туғруқхоналар ташкил қилинмаган. Ғиждувон районидаги «Москва» колхози чўпонларининг болаларини ўқитиш учун етарли шароит яратиб берилмаган.

Бухоро область партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленуми обком секретари ўртоқ М. Ҳасановнинг «Чорва қишловининг якунлари ва қўзилатиш кампаниясини муваффақиятли ўтказишдаги вазифалар ҳақида»ги докладини муҳокама қилиб, юқоридаги ютуқ ва камчиликларни таъкидлаб ўтди.

Музокараларда Қоракўл, Ғиждувон, Бухоро район партия комитетларининг секретарлари Жумаев, Қурбонов, Маҳмудов, Қизилтепа райижрокомининг раиси Ҳакимов ва бошқа ўртоқлар қатнашдилар.

Пленумда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Ф. Е. Титов нутқ сўзлади.

Пленум ташкилий масалаларни кўрди. Ўртоқ Н. Худойбердиев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан обкомнинг иккинчи секретари вазифасидан озод қилинди. Обкомнинг иккинчи секретари қилиб ўртоқ Н. И. Белоусов, обком секретари қилиб ўртоқ Н. Матчонов сайланди.

М. НАЗАРОВ,
Л. ЭРГАШЕВ,
«Қизил Ўзбекистон» махсус мухбирлари.

ТОШКЕНТ-ИВАНОВО МУСОБАҚАСИ

ЭЛНИ КИЙИНТИРАЁТГАНЛАР

ИВАНОВОЛИКЛАРДАН ИБРАТ ОЛСА АРЗИЙДИ!

МУСОБАКА ШАРОФАТИ

Тошкент ва Иваново маъмурий-иқтисодий районлари меҳнаткашлари ўртасида бошланган мусобақа зиммамизга олган юксак социалистик мажбуриятларимизни муваффақиятли бажаришда янги зафарларга рағбатлантиради. Етти йилликнинг улуғвор планларини амалга оширишда бу мусобақанинг ғоят катта аҳамияти бор. Совет кишиларига нафис ва чиройли газмолларни яна ҳам мўл-кўл етказиб бериш ўзбек пахтакори ва рус тўқувчисининг олижаноб бурчидир.

Мен ўйлайманки, бу масъулиятли мусобақада енгилганлар бўлмайди, аксинча, буюк рус халқи билан меҳнатсевар, талантли ўзбек халқи ўртасидаги пўлатдек мустаҳкам дўстлик ғалаба қилади...

И. П. КАПИТОНОВ

Иваново область партия комитетининг биринчи секретари

ҚУВОНЧЛИ РАҚАМЛАР

Иваново области жаҳондаги энг йирик тўқимачилик саноати марказидир. Ўтган йили ивановоликлар биргина газмолнинг ўзидан қўшимча 54,6 миллион метр ишлаб чиқардилар, пландан ташқари 538 миллион сўмлик саноат маҳсулоти бердилар.

Бу йил 1959 йилдагига қараганда саноатнинг ялпи маҳсулоти 6,7 процент кўпаяди.

Етти йилликнинг охиригача белгиланганидан 8 миллиард сўмлик кўп ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилади. Шу жумладан, пландан ташқари, 600.000.000 метр газлама тўқилади. 1965 йил учун белгиланган ишлаб чиқариш даражасига 1962 йилда эришилади. Маҳсулот таннархи 20 миллион сўм камаяди. Ивановода 4 минг бригада коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли ном учун социалистик мусобақага қўшилган.

УНУМДОРЛИК СИРИ...

...Ҳа-ҳа, худди шундай. Агар тўқувчи ҳар сменада 3,6 секунд вақт тежаса, шу митти секундлар ҳисобига ойда 61 метр қўшимча газмол ишлаб чиқаради! Буни ҳозир гапириб бераман...

Бундан беш ой муқаддам Валентина Гагановага эргашиб, «ёмон» станоклари кўп бўлган қолоқ бригадага ўтдим. Гапни чўзмай, айтиб қўя қолай, ҳозир ўша қолоқ бригадага коммунистик меҳнат коллективи номи берилган... Ойлик планни 125—130 процент бажариб, нуқул аъло сортли хом сурп тўқияпмиз.

Баъзи тўқувчилар меҳнат унумдорлигини машина ва ускуналар тезлигини ошириш йўли билангина кўтариш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Бу фикр тўғри, лекин иш унумини оширишнинг бошқа резервларини ҳам унутиш ярамайди.

Меҳнатни тўғри ташкил этмай, дастгоҳлар тезлигини ҳар қанча оширганингиз билан мақсадингизга эриша олмайсиз. Мен ана шу икки муҳим шартни бир-бирига боғлаб олиб бораман. Натижалар чакки эмас.

Ўриш узилганида уни улаш учун 40 секунд вақт белгиланган. **Бу операцияни 19,5 секундда бажарапман. Мокини алмаштиришга 5 секунд эмас 4 секунд, арқоқ олишга нормадаги 8 секунд ўрнига 5,7 секунд сарф бўляпти. Циклар қисқариши дастгоҳларнинг бекор туриб қолишини анча камайтирди.**

Аммо бу ҳали чегара эмас.

Шу йил 19 февраль куни ип улаш, моки алмаштириш ва арқоқ олиш операциялари учун сарф этиладиган вақтни яна бирмунча қисқартиришга муваффақ бўлдим. **Масалан, 17 секундда узилган ипни улашга, 2,4 секундда мокини алмаштиришга муваффақ бўлдим.** Бироқ бу тезликка ҳали қўл ўрганмаяпти, лекин яна 10—15 кундан сўнг албатта шу меёрга тушиб оламан.

Демак, ҳа демай моки алмаштиришдан яна 1,6 секунд, ип улашдан 2 секунд иқтисод қила бошлайман. **Ҳар сменада иқтисод қилинган 3,6 секунд вақт ичида 2,25, бир ойда эса 61 метр хом сурп тўқишим мумкин. Йилига қанча бўлишини ўзингиз ҳисоблаб олаверинг...**

Ип узилишини камайтириш меҳнат унумдорлигини оширишда катта резервдир. Шуйскдаги Бирлашган фабрика мастер ёрдамчиларининг ҳар бир дастгоҳнинг сменада неча бор ип узишини ҳисобга олиб бориш соҳасидаги тажрибалари ғоят катта аҳамиятга эгадир. Бу усул ип узилиши сабабларини дарҳол аниқлаш ва олдини олиш имконини берапти.

Баъзи тўқувчилар дастгоҳлардан биронтаси брак сурп бера бошласа, шу билан овора бўлиб қоладилар. Мен бундай қилмайман. Агар шунақа ҳодиса юз берса, дастгоҳни тўхтатиб, мастер ёрдамчисини чақираман, ўзим қолган 19 та станокнинг қандай ишлаётганини синчиклаб кузатиб тураман.

Мен, ишимизда сира қийинчилик йўқ, деб айтолмайман. Қийинчиликлар бўлиб туради. Баъзи дастгоҳлар қаттиқ бузилиб қолса, сабабини қидириб топгунимизча кўп вақт ўтади. Кўпинча айб тандада бўлади. Бундай маҳалларда бутун коллектив бригалашиб ишга киришамиз.

Фабрикамиз ҳузурида тажриба алмашиш мактаби ва лекторий бор. Мен ўзимнинг кўп йиллик иш тажрибамни, топган янгиликларимни дарҳол ўртоқлашаман, ёшларга ўргатиб бораман.

Таиса ЗОРИНА,

«Катта Иваново Мануфактураси» фабрикасининг тўқувчиси, коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси.

ЭНГ ЯҚИН ҚАЛБЛАР...

ДУГОНАЛАР, МУСОБАҚАЛАШАЙЛИК

Ўзбекистонлик азиз дугоналар!

Гўзал Тошкентда, Фарғона ва Зарафшон водийларида жуда катта тўқимачилик корхоналари борлигини биламиз. Сизлар ҳам биз каби етти йиллик режаларни барвақт бажариш учун курашаётганингиздан мамнунмиз.

Менинг бригадам Ивановодаги «Красная Талка» фабрикасининг Нина Рассомахина бошлиқ коммунистик меҳнат бригадасини мусобақага чақирди.

Биз ўн тўрт қиз бир бригада бўлиб ишлаяпмиз. Машиналаримизнинг ҳаммаси модернизация қилинган. Дастлабки кунларда уларни бошқаришда анча қийналдик, лекин кейин ишимиз юришиб кетди.

Бригадамизда комсомол жамғармаси очганмиз. Қисқа вақт ичида ҳар биримиз 650 сўмдан маблағ қўйдик. Сиз, бу маблағни қаердан олиб жамғараяпсиз, деб сўрарсиз. **Нуқул сифатли маҳсулот чиқариш, браккa йўл қўймай ишлаш ҳисобига жамғараяпмиз.**

Азиз дугоналар, мамлакатимиз меҳнаткашлари ёшларнинг энг севимли дўсти қадрдон Ильичнинг туғилганига 90 йил тўлган кунни муносиб совғалар билан кутиб олишга ҳозирлик кўраяптилар. Комбинатимиздаги барча комсомол-ёшлар, шу жумладан бизнинг бригада ҳам Ленин вахтасида туриб ишламоқда...

Владимир Ильич Ленин туғилган кунни муносиб туҳфалар билан кутиб олиш учун биз қуйидаги мажбуриятни олдик:

тўрт ойлик топшириқни 8 апрельда бажариб, қўшимча 15 минг килограмм калава бериш;

ускуналар унумдорлигининг 1965 йилга белгиланган даражасига шу йилнинг тўртинчи кварталида етиб олиш;

комсомол жамғармасига 5.000 сўм қўйиш;

болалар яслиси қурилишида ишдан ташқари вақтда 60 соат ишлаб бериш;

оталигимиздаги мактабнинг қолоқ пионер отряднни илғорлар сафига олиб чиқиш.

Ҳозирча шу. Қани, биз билан ким беллашади? Чақириғимизни қабул қилганлар, албатта бизга мактуб ёзишсин...

Г. ЛЕБЕДЕВА.

Ивановадаги меланж комбинатининг коммунистик меҳнат бригадаси бошлиғи.

ГАРМОНГА ҲАМОҲАНГ

Аёз ва офтоб! Россиянинг қиши шунақа гўзал бўлади, ўзи...

Жанубликлар баҳор гулларининг очилишини, дарахтлар ясаниб, булбуллар келишини ошиқиб кутаётган шу паллада ҳам Россияда қаттиқ қиш. Лекин бу қишнинг ўзгача бир латофати, гашти бор.

Иваново шаҳрининг жанубишарқидаги Пучеж қишлоғи аэропорт билан туташган. Оқ қайинлар, ям-яшил арчалар орасидаги бу рус қишлоғида шодиёналик ҳукм сурар эди... Йўқ-йўқ, бугун Пучеждагина эмас, бутун муқаддас рус тупроғининг ҳамма жойларида ана шундай тантана бошланган.

Пучеж қишлоғини тенг бўлиб ўтган катта кўчадан саккиз ноғли ҳашамдор тройка қушдек учиб, ўрмонзорга кириб кетди. Ченада қиз-йигитлар оппоқ пўстинларга ўралиб олиб, овозлари борича куладилар, гармошканинг шўх овозига ҳамоҳанг бўлиб, қўшиқ айтадилар. Елларини ялпиллатиб, кишнаб, ўйнаб бораётган оқ қулунларнинг бўйинлари, тўшлари, манглайи чўгдек қип-қизил лента-лар билан безатилган, қўнғироқлар жиринглайди.

Еру-кўкнинг гўзаллигини айтинг! Ўрмонзор билан битта қор. Хушбичим арчаларнинг, қарағай ва қайиннларнинг тўнғиб қолган барглари қўёш ёғдусида жилва қилиб, зангори, бинафша, қизил, кўк ранглар таратади... Катта йўлдан бораётган машиналар кетида, салобат билан қўнаётган, парвоз қилаётган самолётларнинг кумуш қаноти остида қор қуюни кўтарилади. Осмон мусаффо, ҳаво совуқдан қирсиллайди, ҳаммаёқ биллурдек тоза.

Иваново шаҳрига меҳмон бўлиб келган ўзбекистонлик саноатчилар азиз рус ўлкасининг ана шу гўзал жойларидан ўтиб, байрам шодиёналарига тўлиб-тошган манзараларни томоша қилиб, хушчақчақ кишилар билан сўрашиб, танишиб бордилар. СССР Олий Советининг депутати, Чирчиқ электр кимё комбинатининг смена инженери Гавҳар Ҳайдарова, Тошкент тўқимачилик комбинатининг донгдор тўқувчи Люба Чуприна, «Таштекстильмаш» заводининг инженер-конструктори Акбар Юнусов ва делегациянинг бошқа аъзолари Ивановога, асрлар муҳр босиб ўтган бу қадимий рус шаҳрига биринчи бор қадам қўйишлари эди. Аммо, унинг одамлари, кўчалари, гўзал ўрмонлари, уларга азалдан танишдек туйилди. Айниқса, мезбонлар қучоқ очиб, илиқ сўзлар билан қутлаганларида ўзларини қон-қардош кишилардек ҳис этдилар.

Иваново тарихий шаҳар, унинг меҳнаткашлари эса қадимда пролетариатнинг энг илғор отрядларидан бўлган. Ҳозир коммунизм қурилишининг зафарли байроғини биринчилар қатори кўтариб боряптилар. Россия федерациясининг бу улкан шаҳрида тўқилаётган миллиард-миллиард метр чиройли ва нафис газмоллар дунёнинг қайси бурчагига етиб бормаган дейсиз.

Бу шаҳар неча ўнлаб толмас революционерларни тарбиялаб берган, пролетариат ишига, Ленин партияси ишига содиқ бўлган ажойиб кишиларни вояга етказган. Владимир Ильич Ленин ивановоликларнинг революция ишига қўшган ҳиссалари тўғрисида неча бор айтиб ўтган эди.

ДЎСТЛИК, ЯКДИЛЛИК

Бу азим рус шаҳри меҳнатлари билан ўзбек пахтакорлари ўртасидаги дўстлик жуда қадим замонлардан бери бор. Бундан 50 йил муқаддам ҳам уларга пахта етказиб бериб, газмол олиб турардик. Аммо маҳаллий бойлар, подшо чиновниклари ва рус фабрикантлари икки меҳнаткаш халқнинг бир-бирига яқинлашишидан қўрқар эдилар. Бойлар, савдогарлар ўзбек деҳқони тер тўкиб етиштирган пахтадан, рус капиталистлари эса меҳнаткаш тўқувчининг не-не укубатлар билан яратган газмоли орқасидан бойир эдилар-у, бироқ, шу пахтани етиштирган деҳқон, шу газмолларни тўқиган ишчига заррача ғамхўрлик қилмас эдилар...

Ўзбек саноатчиларининг делегацияси қадим замонларда ва Совет ҳокимияти йилларида қурилган жуда кўп тўқимачилик корхоналарида бўлдилар. Ана шундай фабрикалардан бири Увади дарёсининг чап қирғоғида жойлашган «Катта Иваново Мануфактураси»дир. Биз бу ерда неча ўн йиллардан бери ишлаб келаётган кекса ишчилар, яқиндагина мактабни битириб, фабрика қучоғига келган тўқувчилар билан танишдик. Уларнинг ҳаммаси ўзбек ва рус тўқувчилари ўртасида бошланган мусобақани чин қалбларидан табрикладилар. Ана шу фабриканинг ветеранларидан Иван Васильевич Шишин ҳаммани ҳаяжонга солган шу воқеани ҳикоя қилиб берди.

— Фабрикамизнинг қурилганига роса икки юз саккиз йил бўлди. Ота-боболарнинг гапига қараганда, бу корхона қўлдан-қўлга ўтиб келган. Шу фабрикага қадам қўйганимга эллик етти йил бўлди. 17—19 соатлаб ишлаганимизни ҳозир ҳам яхши эслайман. Лекин мен сизларга бошқа бир воқеани гапириб бермоқчиман.

— 1906—1907 йиллар эди. Аҳволимиз ниҳоят танг эди. Бир ой ишлаб топган пулимиз ноҳдан ортмасди.

Бир кун отам бетоб бўлиб қолди. Ёрдам сўраб фабрикантнинг ҳузурига кирдим. Қарасам: уч нафар семиз киши юмшоқ креслоларда ўтириб олиб, карта ўйнашаяпти. Роса кутиб турдим, оёқларим толди. йўталиб юбордим. Бир маҳал уларнинг бужмайган юзи менга ўгирилди, кейин ҳаммаси масалаҳат қилгандай яна картага қарашди. Ўтирганлар орасида мен бир умр кўрмаган буғдой ранг, бошига бахмалдан тикилган думалоқ бир нарсани кийиб олган бир киши ҳам бор эди. У русчани яхши билар экан, бир оздан сўнг хўжайинга қараб тиржайди:

— Яланг оёғингизни тезроқ жўнатсангизчи, ҳамма ёқни қўланса ҳид босиб кетди-ку...

— Пўқол бу ердан, ҳайвон!

Бу —фабрикантнинг даҳшатли овози эди. Йиглаб, уйга чопдим. Бўлган воқеани ярим оч ҳолда ҳаста бўлиб ётган дадамга гапириб бердим. Афтидан дадам уни яхши танир экан, шундай деганн ҳали ҳам эсимда:

— Ўзбек, Тошкентдаги алла қайси пахта заводининг хўжайини. Ҳар келганда той-той пахта билан келиб, вагон-вагон газмол ортиб кетади... Пахтакорнинг шўрини қуритаётган бўлса керак.

Ҳо инонинг, ҳо инонманг ёшим анчага боргунча пахтакор кимлигини, пахтанинг қанақа ўсимлик эканини билмаганман. Ўзбек пахтаси, ўзбек пахтакори деган сўзларни отамдан кейин Емельян Михайлович Ярославскийдан эшитганман.

1929 йилнинг 7 ноябрь куни сира ёдимдан чиқмайди. Ўша куни Ивановодаги гигант меланж комбинати қурилиб, ишга туширилган эди. Ўлка комитетининг биринчи секретари ўртоқ Е. М. Ярославский комбинатни тантанали равишда очишдан олдин бизни Ўрта Осиёдан келган пахтакорлар делегацияси билан таништирди. Жуда истараси иссиқ кишилар экан. Булар боя сизга айтиб берган бадбуруш ўзбек бойига сира ўхшамас эдилар. Улар шунчалик камтар, шунчалик дилхуш кишилар эканки, бири қўл бериб кўришишга қаноат қилмай, мени маҳкам қучоқлаб олди, иккимиз роса ўпишдик... Ҳа, чинакамига оғаинидек қучоқлашиб ўпишдик.

Кейинчалик шаҳримизга Ўзбекистондан жуда кўп ёшлар келишди. Улар биздан янги тўқув ва йигирув машиналарини бошқаришни ўрганиб, Тошкент, Фарғона ва Самарқанд шаҳарларида қурилган тўқимачилик фабрикаларига жўнадилар. Тажриба алмашиш учун ўзим ҳам Тошкентга уч-тўрт марта бориб келганман.

Иван Васильевич пенсияга чиқиб кетган бўлса ҳам фабрикага тез-тез келиб тураркан. У, ҳаммамиз билан бирга корхонани айланиб чиқди. Ўтмиш ва ҳозирни қиёс қилиб ҳикоялар айтиб берди...

ГИГАНТ КОРХОНА

Бу гигант фабрикани «Катта Иваново Мануфактураси» деганларича бор экан. Унинг кўз илғамас узун ва кенг цехларида минглаб тўқув дастгоҳлари, юзлаб гигант гул босиш машиналари гуруллаб турибди. Бу ердаги ишларнинг ҳаммаси машиналашган. Ишчилар эса фақат унинг ҳаракатини кузатиб турибдилар.

Бу корхонада салкам 15 минг тўқувчи ишлайди. Фабрика ёшларидан 3500 киши Иваново. Ленинград, Москва ва Иттифоқимиздаги бошқа шаҳарларнинг олий, ўрта ва махсус ўқув юртларида билим оляптилар.

Фабрика директори Николай Петрович Шеломанов донгдор тўқувчи Валя Андронникова билан таништирди. Валя тошкентлик дугоналарига ўз ишларини бир-бир гапириб берди. Новатор қиз Валентина Гаганованинг издошларидан экан. У 1959 йилнинг ноябрь ойида қолоқ комплектга ўтди. Орадан тўрт ой ўтгач, уни илғорлар сафига олиб чиқди. Коммунист тўқувчи бошлиқ бригадага коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли ном берилди. Ўртоқ Андронникова дастгоҳларнинг унумдорлиги жиҳатидан 1965 йилга мўлжалланган даражадан ўзиб кетди.

«Катта Иваново Мануфактураси»нинг ишлаб чиқариш қуввати ғоят кучли. **Жаҳонда бу корхонанинг қувватига тенг келадиган корхона йўқ. Хозир кунига 2600 турда 860—900 минг метр лас-у, чит, штапеллар, роҳатбадан газмоллар тайёрланиб, жўнатилмоқда.**

Иваново маъмурий-иқтисодий районида бундай улкан корхоналар кўп, булар орасига мамлакатимиз, шунингдек чет элдаги шуда кўп давлатларда шуҳрат топган меланж комбинати, Савинскдаги «Солидарность», «Красная Талка» сингари гигант корхоналар бор.

Иваново меҳнаткашлари совет кишиларига нафис ва чиройли газмолларни яна ҳам кўпроқ етказиб бериш, тўқимачилик саноати учун янги-янги автомат машиналар ихтиро қилиш учун зўр ғайрат ва шижоат билан ишлаяптилар. Шуни айтиш кифояки, бутун Иваново областида кунига 120—130 минг метр қўшимча газмол ишлаб чиқариляпти. Тўқувчи ва машинасозлар улуғ Ленин туғилган кунининг 90 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақа байроғини баланд кўтариб боряптилар...

Биз Ивановодан жўнаб кетаётганимизда офтоб чарақлаб турарди...

А. АБДУАЗИМОВ.

Тошкент-Москва-Иваново.

ҲАМ БИЗ ЎРГАНДИК, ҲАМ УЛАР ЎРГАНИШДИ

Ивановолик дўстлар бизни шу қадар ҳуш кутиб олдиларки, ифодалашга сўз тополмаймиз. Маъмурий-иқтисодий район Халқ хўжалиги кенгашининг раиси ўртоқ Алексеевнинг илиқ сўзларидан жуда хурсанд бўлдик.

— Илгари ивановоликлар фақат пахтакорлар билангина алоқа қилиб турар эдик, — деди у, — энди дўстлигимиз мислсиз кенгайиб, мустаҳкамланиб кетди. Тошкент машинасозлари билан бизнинг машинасозларимиз, сизнинг тўқувчиларингиз билан ивановолик тўқувчилар, хуллас, икки областнинг саноатчилари ўртасида социалистик мусобақа бошланди. Энди алоқаларимиз тағин ҳам мустаҳкамланади, тез-тез борди-келди қилиб турамиз.

Ростдан ҳам Иваново-Тошкент мусобақасининг кўлами жуда ҳам кенг. Биз ишлаб чиқаришда эришаётган муваффақиятларимизни ўртоқлашибгина қолмай, ўзаро дўстлигимизни, алоқаларимизни яна ҳам яхшилаймиз.

Мен Ивановодаги тўқимачилик саноати корхоналарининг жуда кўпида бўлдим. Буларда корхонамиз коллективи ишлаб чиқарган серунум пилтакаш, йигирув машиналарининг ишлаб турганини кўриб юракдан қувондим.

Дзержинский номидаги йигирув-тўқув фабрикасида бизнинг қўлимиздан чиққан «П-76-2», «П-66», «ПУ-66-2» маркали ўнлаб йигирув машиналари бор. Меланж комбинатида эса ҳозирги замоннинг энг серунум машиналари қаторидан ўрин олган «РТП-192-2» маркали машиналаримиз тўхтовсиз ишлаб турибди.

Иваново области тўқимачилик машиналари ишлаб чиқаришда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Ивановолик машинасозлар етти йилликнинг иккинчи йили планини муваффақиятли бажариш учун зўр ғайрат билан ишлаяптилар.

Юзга айтганнинг заҳри йўқ, дейдилар. «Ивтекмаш» заводининг қуюв цехига кирганимизда механизация даражасининг анча пастлигини кўриб ажабландик. Қолиплар, тайёр деталларни ташиш ҳали ҳам қўлда бажарилаётган экан. Бу масалада заводимиз қуюв цехи коллективи анча илгари кетганлигини айтдик. Ҳақиқатан ҳам бизнинг корхонада қуйилмалар тайёрлаш жараёни асосан механизациялаштирилган.

Коллективимиз бу йил ивановолик тўқимачиларга серунум йигирув ва пилталаш машиналаридан 93 тасини юборади. Бу рақам оздай кўринади. Лекин ана шу машиналарнинг ҳар бири йилига неча ўн миллион урчиқчининг ишини бажариб беради.

Завод конструкторлик бюросида «П-66-5М» маркали йигирув машинаси конструкциясини модернизация қилиш ишлари тугалланди. Бу машина оммавий суратда ишлаб чиқарила бошлагач ивановолик дўстларга ҳам юборамиз.

А. ЮНУСОВ.

«Таштекстильмаш» заводининг инженер-конструктори.



Савинскдаги «Солидарность» номли фабрикининг донгдор тўқувчиси Юлия Вечерова.

Ўзбек пахтасидан тўқилган бу газмолларнинг донги бутун дунёга кетган. Иваново чеварлари қўлидан чиққан нафис гулли лас-читлар, роҳатбадан штапеллар кўзни қамаштиради... Юқорида Балишев номидаги фабрикининг донгдор тўқувчиси **Валя ГРОШЕВА.**

„ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН" РЕДАКЦИЯСИНИНГ ОММАВИЙ ИШЛАР ВА ХАТЛАР БЎЛИМИДА

«Қизил Ўзбекистон» газета редакцияси кейинги ҳафта ичида ишчи-деҳқон мухбирларидан 320 та хат олди. Мухбирлар меҳнат кўтаринкилиги ва ишлаб чиқариш муваффақиятларини хабар қилиш билан бирга, айрим жойларда юз бераётган камчиликларнинг олдини олишни сўрайдилар, меҳнаткашларнинг илтимос ва шикоятларига бепарво қараётган ходимларни танқид қиладилар.

Кейинги кунларда редакцияга меҳнаткашларнинг талаблари қондирилганлиги ҳақида кўплаб жавоблар келабошлади. Наманган шаҳар ижроия комитетининг раиси ўртоқ М. Иброҳимова редакцияга хат ёзиб, автобус остановкалари ва билет кассаларида тартиб ўрнатилганлигини, янги автовокзал қуриш планлаштирилганлигини хабар қилса, Каттақўрғон шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Х. Муқимова Пугачев, 8-Март, Жуковский, Роза Люксембург кўчаларида тартиб ўрнатиш учун чоралар кўрилаётганини билдиради.

Қуйида «Қизил Ўзбекистон» редакциясига кеча келган почтадан айрим хатларни босамиз.

МЕҲНАТ УНУМИ ОШМОҚДА

Чирчиқ ғишт заводининг коллективи етти йилликнинг иккинчи йилида ҳам кўтаринки руҳ билан ишламоқда. Коллектив февраль ойи планини муддатидан илгари бажариб, пландан ташқари 250 минг дона ғишт чиқарди. Меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг январь ва февраль ойларига нисбатан бир ярим баравар ошди. Маҳсулот таннархи арзонлашди.

Завод бу йил 23 миллион дона сифатли ғишт ишлаб чиқаради. Заводда «ТПС-15» маркали икки каналли печь қурилиб битказилди.

Коллектив биринчи квартал планини 20 мартда бажариш ва планга қўшимча равишда 800 минг дона ғишт ишлаб чиқариш учун курашмоқда.

Ж. САРИЕВ.

МЕҲНАТСЕВАРЛИГИ ТУФАЙЛИ

Ўртоқ С. Раҳмонов Оҳангарон қурилишига бундан олти йил олдин ғишт терувчи бўлиб ишга келган эди. У ўзининг меҳнатсеварлиги ва қобилияти билан тез орада обрў қозонди, бригада бошлиғи қилиб тайинланди. Ўртоқ Раҳмонов ойлик ва йиллик топшириқларини бажаролмай келаётган қолоқ, кичик бригадалардан комплекс бригада тузди. Ҳозир бригада ойлик топшириқни 200 процентдан бажармоқда.

— Бригадамиз аъзолари деди ўртоқ С. Раҳмонов,— етти йиллик топшириқларини тўрт йилда бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

А. РАҲМАТОВ.

КУТА-КУТА...

Бу воқеа яқинда юз берди. «Қизил шарқ» ва «Париж коммунаси» маҳаллаларининг сайловчилари ўз депутатлари билан учрашиш учун агитпунктга йиғилдилар. Учрашув соат 7 га тайинланган бўлса-да депутатлардан дарак бўлмади. Сайловчилар зерикишиб қолишгани учун 38-мактабнинг ҳаваскорлари концерт кўрсатишди. Депутатлардан ҳамон дарак йўқ эди. Сайловчилар ўз депутатларини кута-кута интизорлик билан уйларига тарқалдилар.

Биз сайловчилар 315—316 сайлов округларидан А. Файзиев ва Қ. Насриддиновани Тошкент шаҳар Советига, 100—101—102—103-сайлов округларидан М. Аминова, Х. Қосимов, В. Мирзоқиров ва Ҳ. Раҳмонов ўртоқларни Октябрь район Советига депутат қилиб сайлаган эдик. Сайлов бўлиб ўтганига бир йилдан ошди. Шу орада депутатларимиз бир марта ҳам учрашувга келмадилар.

Сайловчилар номидан
З. ЮСУПОВА, М. МИРСОАТОВ, Қ. ИСЛОМОВ ва бошқалар

ТОҚАЙГАЧА

Фарғона область, Ўзбекистон районида бир ярим мингдан ортиқ кишида велосипед бор. Аммо, бу велосипедларнинг кўпи ишдан чиқиб ётибди. Чунки, савдо ташкилотлари ишдан чиққан камера ва покришкалар ўрнига янгисини келтириб сотишни хаёлларига келтирмаётирлар.

Ўзбекистон район матлубот жамияти раҳбарлари нима дер эканлар?

Т. УСМОНОВ.

БЎРИНИ ЙЎҚОТИНГ

Ҳукумат бўри ва шоғолларга қарши курашга ҳар йили талайгина маблағ сарфламоқда. Ҳукумат 1958 йилда мукофот учун бир миллион 242 минг сўм, 1959 йилда эса бир миллион сўмга яқин маблағ ажратди. Ўлдирилган бир бўри учун 600 сўм, бўри боласи учун 400 сўм, шоғол учун 100 сўм, шоғол боласи учун 50 сўм миқдорида мукофот белгиланган. Собиқ Қашқадарё областидаги овчи Очилов сўнгги икки йил ичида 51 та бўрини ўлдириб, 30 минг 600 сўм мукофот олди.

Бўри тез урчийдиган йиртқич ҳайвондир. Она бўри йилига 4—5 бола туғади, бўри бир яшарлигидаёқ «овга» чиқади. У чорвачиликка зарар етказибгина қолмасдан қушларни ҳам кўплаб нобуд қилади. Шунинг учун бўрини битта қўймай қириб ташлаш керак. Бу — овчилик союзларининг энг муҳим вазифасидир.

Э. ЙУЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Овчилари союзи правлениесининг раиси.

Тоғ этагидаги Афғонистон пойтахти Кобил шаҳрининг серқатнов кўчаларидан бири.
ТАСС фотохроникаси.

Совет - Гвинея шартномаси имзоланди

КОНАКРИ, 1 март. (ТАСС). Иқтисодий ва техника ҳамкорлиги тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати билан Гвинея Республикаси ҳукумати ўртасида 1959 йил август ойида тузилган битимга мувофиқ, 1960 йил январь-февраль ойларида Конакрида Совет Иттифоқининг Гвинея Республикасига узоқ муддатли кредит ҳисобига қайси объектлар қурилишида ёрдам беришини белгилаш юзасидан музокаралар олиб борилди.

1960 йил 1 мартда протокол имзоланди. Бу протоколга мувофиқ, СССР ҳукумати 1960—1963 йилларда цемент заводи, ёғочсозлик-шпал заводи, кўн-пойафзал комбинати, мева ва сабзавотлардан консерва тайёрлаш заводи, музхона, Конакрида 1500 студентли политехника институти ва 25 минг ўринли стадион қурилишида совет ташкилотларининг Гвинея ташкилотларига техника ёрдами беришларини таъминлайди.

Протоколда олмос ва олтин қидириш ишларини ўтказиш, олмос конларини ишга тушириш учун машина ва ускуналар етказиб бериш, қишлоқ хўжалик машиналари комплектини етказиб бериш ва 7 минг гектар майдонда давлат шоликорлик хўжалигини ташкил қилишда, сигирларнинг маҳсулдорлигини оширишда ва сутчилик фермаларини ташкил қилишда ёрдам бериш, Конакри аэродромини ва Конакри-Маму участкасидаги темир йўлни реконструкциялашда техника ёрдами бериш кўзда тутилади. Бундан ташқари, Конакри портини механизациялаш учун, асфальт-бетон йўл қуриш учун Совет Иттифоқидан машина-ускуналар, ташкил қилинаётган Гвинея давлат қурилиш-монтаж конторасини таъминлаш учун машина-ускуналар етказиб берилади ҳамда бир қанча бошқа объектлар қурилишида техника ёрдами берилади.

Музокаралар самимий дўстлик, ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

ЧЕХОСЛОВАКИЯДА В. И. ЛЕНИН ҲАҚИДАГИ АДАБИЁТ БОСИБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

ПРАГА. 1 март. (ТАСС). Чехословакия телеграф агентлиги билдиради: В. И. Ленин туғилган куннинг 90 йиллиги муносабати билан Давлат сиёсий адабиёт нашриёти «Ленин билан суҳбат» номли тўпламни босиб чиқармоқда. Бу тўплам Чехословакия ишчилар ҳаракати таниқли арбобларининг В. И. Ленин билан бўлган шахсан учрашувлари ҳақидаги хотираларидан иборатдир.

Совет кишиларининг «Ишчи ва деҳқонлар В. И. Ленин ҳақида» номли Ленин ҳақидаги хотиралари китоби босиб чиқарилади. Шу нашриётда Людвик Шпиркнинг «Ленин ва қишлоқ хўжалиги» номли китоби, доцент Венек Шилганнинг «В. И. Ленин социалистик халқ хўжалигига раҳбарлик қилиш ва уни планлаштириш тўғрисида» деган китоби ҳам босиб чиқарилади. Нашриёт В. И. Лениннинг социалистик давлатнинг раҳбарлик кучи бўлган партия ҳақидаги асарлари тўпламини босиб чиқаради.

Словакия сиёсий адабиёт нашриёти В. И. Ленин ҳақидаги хотиралар китобини, «Млада фронта» нашриёти В. И. Лениннинг комсомол учинчи съездида сўзлаган нутқини босмага тайёрлади.

ЧЕТ ЭЛ ХРОНИКАСИ

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ЯНА ОГОҲЛАНТИРДИ

ПЕКИН, 2 март. (ТАСС). Синьхуа агентлиги хабар беради: 1 мартдан 2 мартга ўтар кечаси АҚШнинг ҳарбий кемаси Байцюань, Дун'инь районида (Фуцзянь вилояти) Хитойнинг территориал сувларига бостириб кирган. 2 мартда Американинг бошқа бир ҳарбий кемаси юқорида кўрсатилган районда Хитой Халқ Республикасининг территориал сувларига бостириб кирган.

Америка Қўшма Штатларининг ана шу ҳарбий иғвогарликлари муносабати билан Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар министрлигининг вакили яна жиддий огоҳлантиришга вакил қилинган.

ҚАРОҚЧИЛАР ЖАЗОЛАНДИЛАР

ПЕКИН, 2 март. (ТАСС). Синьхуа агентлиги хабар беради: Хитой Халқ озодлик армияси ҳарбий денгиз флотининг кемалари 1 мартда Фуцзянь фронтида чанкайшичиларнинг канонерка кемасини сувга ғарқ қилдилар.

1 март туш пайтида Бэйшуан оролининг шарқи-жанубида (Фуцзянь вилоятининг шарқи-шимолий қисми) чанкайшичилар ҳарбий денгиз флоти биринчи эскадрасининг канонерка кемаси балиқ овлашга ҳалақит беришга уриниб, балиқ овлайдиган районга бостириб кирганлиги маълум бўлди. Қароқчилар бостириб кирган жойга Халқ озодлик армияси ҳарбий денгиз флотининг кемалари ўз вақтида етиб келдилар. Ярим соат давом этган жангдан кейин душман канонерка кемаси сувга чўктириб юборилди.

ПРЕЗИДЕНТ ЭЙЗЕНХАУЭР МОНТЕВИДЕОГА КЕЛДИ

МОНТЕВИДЕО, 2 март. (ТАСС). Жанубий Америка мамлакатлари бўйлаб сафар қилаётган АҚШ президенти Эйзенхауэр бугун Чилидан бу ерга келди.

СОВЕТ ТУРИСТЛАРИ ПОКИСТОНДА

КАРАЧИ, 2 март. (ТАСС). Қирғизистонлик ва тожикистонлик бир группа совет туристлари бугун бу ерга келди. Совет туристлари Карачидан ташқари Лоҳур, Равалпинди, Марра, Пешовур ва Símat князлигига бориб, бу ердаги тарихий ёдгорликлар ва диққатга сазовор жойлар билан танишадилар.

ПРАВДА ВОСТОКА

Газетада Н. С. Хрушчевнинг дўстона Афғонистонда бўлиши ҳақидаги материаллар берилган. Шунингдек «Ленин вахтасида» рубрикаси остида хабарлар, «Ташсельмаш» заводида бўлиб ўтган партия йиғилиши ҳақидаги материал босилган.

В. Адамович Фарғона областида кўкламги экишга қандай тайёргарлик кўрилаётгани ҳақида хабар қилади. Бундан ташқари, газетада Тошкент шаҳар ижроия комитети милиция бошқармасининг бошлиғи Д. Исмоиловнинг мақоласи, редакцияга келган хатлар ва маҳаллий ва чет эл ахборотлари босилган.

ЎЗБЕКИСТОНИ СУРХ

Газетанинг бугунги сонида «Дўстлигимизнинг куч-қудрати» сарлавҳаси остида Тошкент — Иваново саноат корхоналари мусобақаси ҳақида материаллар берилган.

«Агитатор суҳбати» рубрикаси остида берилган мақолада Гулистон районидаги Ленин номли колхознинг иш тажрибаси ҳикоя қилинган.

Газетада Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрининг «Тоға-жиянлар» номли спектаклига тақриз берилган.

НАШТАР

ТИРИК МУРДАНИНГ САҒАНАСИ

Умурзоқ топиб келган хабарни эшитганда уста Абулқосимни ари чақиб олгандек чўчиб кетди, чағир кўзлари бўзрайиб, беихтиёр сўради:

— Сенга ким айтди?

— Ўзим кўриб чиқдим. Пишиқ ғиштдан шундай ҳашамдор қилиб ишланибди денг. Кимники десам, «Қутлимурод қурдирган сағана» дейишади.

— Ўзи ҳаёт эканми?

— Э, устам, қуйсангиз-чи, тирик одамга сағана қилинмайди-ку.

Тўғри, тирик одамга қилинмайди. Одамлардан тортиб жониворлар, ҳатто ўсимликларгача тобора яшагиси, ҳаётнинг нашъасини сургиси келади. Тириклигида ўзини ўлганлар қаторига қўшиш асаблари бўшашган, ақли-фаросатига чечак чиққан кишигагина хос гап.

Шу гапларни дилидан ўтказиб турган Абулқосим, тўсатдан хаёлига бир фикр келиб, ўзига-ўзи сазо бера бошлади:

— Вой, бефаҳмлигинг қурсин, Қутлимурод акани билмасмидинг? Мичурин номли колхоз партия ташкилотининг собиқ секретари, ҳозир «Чахбут» артели бошланғич партия ташкилотининг «пешқадам» коммунистларидан, кимсан, Қутлимурод Эшмуҳамедовни-я! Наҳотки, у шундай қилса, эсингни нухталаб ол! Ўлим бекенгаш дейишади, балки тўсатдан...

Абулқосимнинг томоғига бир нима тиқилгандек бўлди. Наридан-бери отланди-ю: «Қадрдонимнинг рухсорини кўролмай қолибман, энди, лоақал оиласига таъзия билдириб келай» деб йўлга тушди.

У поездга шошилаётгандек пилдираб, Тошкент шаҳар, Куйбишев районининг Свободний посёлкасидаги Куйбишев кўчасига келаётган эди, бундай қараса, посёлканинг бир четидан мозорга етиб қолибди.

— Тўхта-чи, биродаримнинг сағанасини ўз кўзим билан кўриб кета қолай, — деди ўзича Абулқосим ва мозорга кирди. Эгаси кўчиб кетган ҳовлидек ҳувуллаб турган мозорда ҳеч ким йўқ. У, дарвоза олдида ўйнашиб турган икки болани чақириб, сўради:

— Қутлимурод деганнинг сағанасини билмайсизларми, болалар?

— Мен биламан, — деди бир бола, — Куйбишев кўчалик Қутлимурод акамми?

— Ҳа, худди ўша.

— Ҳу ану, устига дарахт шохлари эгилиб турган сағана.

Абулқосим болаларга раҳмат айтиб, кўрсатилган сағана ёнига борганда кўнгли бўшаб, кўзлари ёшга тўлди-ю «вой жигарим!» деб юборишига оз қолди. У қоққан қозиқдек қотиб турар, кўзлари, хаёли сағанада: сағананинг баъзи жойларидан шувоғи кўчибди. Демак анчагина кун бўлганга ўхшайди.

— Эҳ, шафқатсиз ўлим, лаънат сенга! — деди ачиниб Абулқосим. — Сенга минг лаънат ҳам кам. Ахир не-не одамларнинг ёстиғини қуритмадинг, сен?! Шундай Қутлимурод акани ҳам мана шу ғиштин сағана тагига жойлабсан-а, ноинсоф! Эсиз Қутлимурод ака!

Абулқосим «ҳе аттанг, аттанг»-лаб мозордан чиқиб кетаётганида бир таниши тўхтатди:

— Ҳа, нима қилди уста?

— Сағанасини кўриб хўрлигим келиб кетди, жигар. Кўнглимиз яқин эди, вафот этибди, дафн этилибди ҳам билмабман-а...

— Ким?

— Қутлимурод ака!

— А? Яқинда кўрган эдим, бардам эди-ку.

«Мен ҳам шунисига доғман» дегандек елкасини учириб қўйди Абулқосим. У, Қутлимуроднинг уйига яқинлаб қолган эди. Чойхона олдидан ўтиб кетаётганда қаршисидан Субутой ака чиқиб қолди.

— Сиздақа биродарлар билан сўрашмасам ҳам бўлади, — деб гина қилди Абулқосим. — Шундай қадрдонимиз вафот этибди, хабар қилай деб ўйламабсиз-а?!

— Ким вафот этибди?

— Қуйинг-е!

— Йўқ, айтинг, ким вафот этибди?

— Қутлимурод-чи?

Субутой ака бирдан қаҳ-қаҳлаб юборди. Абулқосим ғазабидан титраб кетди:

— Нега куласиз?

— Мозорга кирибмидингиз, — деди кулгидан аранг ўзини тийиб Субутой ака. Абулқосим бўлган гапни бир бошдан гапириб берган эди, Субутой ака яна хандон ташлаб кулаверди. Бундан Абулқосимнинг жаҳли чиқди.

— Бировнинг ўлими сизга кулги экан-да! Қадрдан эдингиз-ку, ачинмайсизми?!

— Ачинаман, — деди жиддий қиёфада Субутой ака. — чиндан ҳам ёмон гап бўлди. Қани, юринг, бир пиёладан чой ичиб олайлик, кейин Қутлимурод аканикига биргалашиб борамиз.

Иккала ошна чойхонага бурилишди. Аммо, чойхонага кириш билан Абулқосим ҳушидан айрилаёзди: тўрда ясланиб ўтирган Қутлимурод эмасми? Ҳе, товба, ўлик ҳам тириладими?

Абулқосим ўз кўзларига ишонмай, апил-тапил ишқалаб, яна қаради. Ҳа, Қутлимуроднинг ўзгинаси! У худди тирик одамдек чой ичиб ўтирарди. Абулқосим «бу қандай гап?» дегандек қараган эди, Субутой ака тушунтирди:

— Қутлимурод тушмагур, ўзи тушунган эски коммунист бўлгани билан эшитган қулоққа чиқиқ чиқадиган иш қилди: ўлмасидан илгари ўзига гўр тайёрлаб, сағана қурдириб қўйди... Э, ҳа, Қутлимурод билан кўришмайсизми?

Субутой аканинг гаплари тугамасданоқ, Абулқосим орқасига қайтган эди.

— Бўлди-е, тириклигида ўлганлар қаторига ўтиб олган одам билан гаплашиб нима қилдим, — деди у ва келган изига қайтиб кетди. Ажаб қилди.

Аббос МУҲИДДИН.

Сертакаллуф

Қабулида табассумини
Аритмайди ҳеч дудоғидан,
Чап қулоқ-ла қунт-ла арз тинглар,
Чиқариш-чун ўнг қулоғидан.

Ғуломжон **ИСМОИЛОВ.**

Редактор И. РАҲИМОВ.

СОҒЛИҚНИНГ ДУШМАНИ

Инсон учун тансиҳатликдан қиммат нарса йўқ. Халқ соғлиғи — юрт бойлигидир. Бу ҳикматли ибора айниқса бизнинг замонда, коммунизм қураётган совет юртида ғоят катта мазмунга эга. Шунинг учун ҳам Коммунистик партия ва жонажон ҳукуматимиз халқ соғлиғи йўлида ҳаммадан кўра кўпроқ қайғиради. Неча минглаб санаторийлар, дам олиш уйлари, Маданият саройлари, спорт муассасалари совет халқининг соғлиғини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Умумхалқ соғлиғини сақлаш ҳар бир кишининг, жамоатчиликнинг муқаддас бурчидир. Бунга путур етказадиган ҳар қандай сабаб ва иллатга қарши курашиш, бу соҳада ақл-идрок билан мулоҳаза юритиб, фан кўрсатмаларига амал қилиш, киши соғлиғининг офати бўлган урф-одатларга, эскилик сарқитларига кўркўрона берилишдан ҳар бир гражданни халос қилиш лозим.

Буюк рус олими И. П. Павлов одамнинг марказий нерв (асаб) системасини 30 йил синчиклаб ўрганди ва организмдаги ҳар бир аъзо киши ҳаётида нақадар катта ўрин тутишини фан нуқтаи назаридан исботлади. Организмдаги аъзолар бир-бирлари билан ҳамкорликда ишлайди, уларнинг ҳаммаси нерв системаси ва бош миянинг назоратида бўлади. Ҳар бир аъзонинг бажарадиган иши бор. Агар шу иш бирор сабаб билан бузилса, унга боғлиқ бўлган бошқа аъзоларнинг иши ҳам бузилади. Демак, ҳаёт учун муҳим бўлган бир аъзонинг касалланиши бошқа аъзоларнинг касалланишига сабаб бўлади.

Овқатнинг организмда ишланиш (ҳазм бўлиш) жараёни жуда мураккаб. Овқат моддалари маълум аппаратлар орқали қонга ўтиб, организмга тарқалади. Ҳар қайси моддани идора қиладиган махсус алмашувларнинг ишлаш қобилияти бузилса, кишида касаллик бошланади. Шунинг учун маълум соатларда овқатланиш, вақтида дам олиш—саломатликнинг энг муҳим шартидир.

Одам ҳар куни 3—4 марта овқатланишга одатланган. Шунга кўра, ошқозон ширалари маълум вақтда ишлашга мойил бўлиб, овқатни кутади ва кишида иштаҳа пайдо бўлади. Эскилик сарқити — рўза тутиш эса, киши организмидаги ана шу қонун-қоидаларни бузади. Рўза тутган одам 16—18 соатлаб овқат емайдигина эмас, оғзига ҳеч нарса олмайди. Табиий,бу вақтда организм оғир аҳволда қолади, нормал ишлаш ва ўсиш қобилиятини йўқотади, ҳужайраларининг иш режалари бузилиб, емирилади.

Кишининг соғлом яшаши ва узоқ умр кўриши ҳазм қилдирувчи аъзоларнинг хизматига боғлиқ. Ошқозоннинг катталиги бир литр сув сиғадиган ҳажмда бўлиб, усти қалин гўшт, ички қисми нозик, юпқа шиллиқ парда билан ўралган. Овқат ошқозонга ўтиши билан ҳазм қилдирувчи суюқлик моддалар ва пепсин ферментлари ишга тушади. Бу—икки ярим соатдан тўрт соатгача давом қилади. Рўза тутган одамлар кун бўйи ошқозонни ишсиз қолдириб, кечқурун ҳаддан ташқари кўп овқат истеъмол қиладилар. Натижада ошқозон кучсизланади. Овқатлар тезда ҳазм бўлмай унда туриб қолиб, ачийди ва бузила бошлайди, ошқозон пардалари яллиғланишга ўтади. Шиллиқ қаватлар қизариб ва қавариб ситила бошлайди. Бунинг тезда олди олинмаса яра пайдо бўлади. Касаллик жигар, юрак, ичак ва бошқа аъзодаги безларга ҳам таъсир этиб, турли касалликлар пайдо қилади. Сиз гастрит касалининг оғирлигини биласиз. Бу касаллик ўз вақтида овқатланмаслик, узоқ вақт оч юриш, бирданига кўп овқат ейиш, турли овқатларни аралаштириб юбориш оқибатида юз беради. Ўз вақтида олди олинмаса гастрит ошқозонни яра қилиши мумкин. Баъзан бу, рак касалига айланади.

Бир ой тўхтовсиз рўза тутиш оқибатида организм керакли моддаларни ўз вақтида ололмаслиги турган гап. Бунинг натижасида организмнинг иш қобилияти сусаяди, юрак ҳаракати бўшашади, кишида тинка қуриш, бош айланиш, ланжлик, уйқучанлик, ҳомушлик, карахтлик, камқонлик, бошоғриқ, кўз тиниш, қулоқ шанғиллаш, кўнгил беҳузур бўлиш бошланади, рўза тутувчи кишида бошқа касалликларни ҳам кўрамиз. Чунончи, кўзи хиралашади, кечалари яхши кўрмайди, лаблари бичилади, терисига доғ тушади, ичи кетади, юзи, оёқ-қўлларининг териси шилиниб, тишининг милклари илвиллайди. Бу—организмнинг оқсил (белок), ёғ, қанд, витамин ва турли минерал туз моддаларини етарли ололмаганлигидан пайдо бўлади.

Бундан кўриниб турибдики, рўза тутувчилар ўз соғлиқларига ўзлари болта урадилар. Иссиқ кунларда бир неча соатлаб ташна юриш организм учун қанчалик зарарли. Ташналик орқасида лаб, оғиз, тил, томоқ қақрайди, қон қуюқлашади. Қоннинг қуюқлашиши эса, юрак ва қон томир системаларининг ишини қийинлаштиради. Юрак бир минут ичида 4 литр қонни ўзидан айлантириб, бир соатда 240 литр қонни сиқиб чиқаради. Узоқ ташналикдан кейин бирданига кўп сув ичиш оқасида жуда оғир аҳволга тушиб қолинади.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, рўза тутувчилар 30 кунгача саҳар туриб, уйқу нормасини бузадилар. Уйқу—соғлиқнинг калиди. Одам бир кеча-кундузда 7—8 соат ухлаши керак. Рўза тутувчилар кечаси туриб ош пишириш, овқат ейиш билан овора бўлиб, 7—8 соат ухлай олмайдилар. Рўза тутувчи кишининг кучи қирқилади, иши унумсиз бўлади, фаолияти сусаяди.

Шундай оғир вазиятда, киши жамият ишида 7—8 соат ишлай оладими? Албатта йўқ! Коммунизм қурилишини тезлатишга ҳар ким кўпроқ ҳисса қўшишга интилаётган чоғда унумсиз ишлаш мумкинми?

Хуллас, рўза тутувчилар ўз саломатликларини йўқотиш билан бирга, социалистик хўжалигимизга ҳам катта зарар етказадилар. Ҳар бир совет оиласи рўзанинг ҳаддан ташқари зарарли эканлигини яхши билиб, ундан ўзи учун тегишли хулоса чиқариб олиши керак.

Илёс ФОЗИЛОВ,
доцент, медицина фанлари кандидати.

БУГУН ТЕЛЕВИЗОРДА

19.30. Ўқувчилар учун **«Доктор Дулитл ва унинг дўстлари»** деган эшиттириш (ўзбек тилида). 19.50. Халқаро обзор (ўзбек тилида). 20.05. Ҳужжатли фильм **«Янги босқичлар сари»**. 20.25. Совет композиторларининг қўшиқлари. 21.00. Сўнгги ахборот. 20.20. В. И. Ленин туғилган куннинг 90 йиллиги олдидан **«Ленин Октябрда»** деган бадиий фильм (ўзбек тилида)

БИЛДИРИШ

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети Тошкент область Совети депутатларига маълум қиладики, меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг VII чақириқ олтинчи сессияси шу йил 9 мартда бўлади.

Сессияда область ижроия комитетининг иши тўғрисида ҳисобот тингланади.

Сессия эрталаб соат 11 да Ўзбекистон давлат эстрада театри биносида очилади. Депутатлар 9 март куни шу ернинг ўзида эрталаб соат 10 дан бошлаб рўйхатга олинади.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 4/III да **Риголетто**, 5/III да **Кармен** (билетлар сотилган).

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 4/III да **Тоға-жиянлар**, 5/III да **Фурқат**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/III да **Ватан ишқи**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 5 ва 6/III кеч соат 8 яримда **Ўзбек ашула ва рақс ансамблининг концертлари**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Тошкентда биринчи марта **Нина** ва **Александр Капитановлар** раҳбарлигида **«Чангалзордаги ҳодиса»** номли аттракцион ва янги программада томошалар. Кеч соат 8 да бошланади. Якшанба куни **3 марта томоша** кўрсатилади (кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да).

КИНО

Хўрланганлар (I-серия) — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Герольштейндаги саргузашт — НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН», «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 8 да).

Сўнгги қайтиш — «ИСКРА» (I ва 2-залда), «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 3 ярим, кеч 6 ярим ва 10 да), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11, кундуз 3 ва кеч 7 да).

Цхнетилик Майя — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10, кундуз 1 ярим, 3.20 минутда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб 10, кундуз 12, 2 ва кеч 5 да), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

«ТАШОБЛКНИГОТОРГ»-НИНГ
К. Маркс кўчаси, 31-уйдаги
I-МАГАЗИНИ
Маориф министрлиги мактабларидан ташқари, Тошкентдаги ҳамма ўқув юртларидан 1960/61 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН
УМУМИЙ ТАЪЛИМ ДАРСЛИКЛАРИГА
ЗАЯВКА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
• Заявкалар 10 мартгача берилиши лозим.

«ГЛАВГОЛОДНОСТЕПСТРОЙ»
МИРЗАЧЎЛ ОРСИНИНГ ТУГАТИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН
турли пойафзал, тикилган буюмлар, трикотаж, шойи товарлар, мовут-жун буюмлар, уй-рўзғор ва озиқ-овқат товарлари
сотилади
Орсга бўлган даъволар 15/III гача қабул қилинади.

Ҳамза кўчаси, 14-тупик, 262-уйда турувчи **Фатхулла Қудратуллаевнинг** Қоратош кўча, 142-уйда турувчи Машкура Деҳқонбоевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 7-участка халқ судида кўрилади.

Сағбон кўча, Янгиш проезд, 4-тупик, 61-уйда турувчи **Маҳмуд Исаевнинг** Уста Ширин кўчаси, 127-уйда турувчи Тўғон Маҳмудовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 3-участка халқ судида кўрилади.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ, „Правда Востока" кўчаси 26 уй

КОММУТАТОР — 36334, 33262. **Редакция бўлимларининг телефонлари:** партия турмуши — 27604. Пропаганда — 31226. Саноат ва транспорт — 34524. Совет қурилиши — 27604. Қишлоқ хўжалиги — 34455. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 34780. Оммавий ишлар ва хатлар — 39005. Секретариат — 23469. 32347. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси

Р 01609. Нашр. А. № 54.